



# POSTDA

GAZETA 1930-YIL 12-MAYDAN CHIQA BOSHLAGAN • 2009-yil 5-yanvar, dushanba • №1(3791)

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Қадрли дўстлар!

Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда сиз, азизларни, бутун Ўзбекистон халқини кириб келаётган янги — 2009 йил билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг самимий ҳурмат-эҳтиромимни билдираман.

2008 йил ўз поёнига етиб бормоқда. Айтиш керакки, якунлаштирилган йил мамлакатимиз учун осон бўлмади. Йил давомида заҳматкаш деҳқонларимиз учун жиддий синов бўлган қаттиқ қурғоқчилик ва сув танқислигини, иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқлари ҳамда кундалик ҳаётимиздаги турли қийинчиликларни енгиб ўтиш, бир қатор муаммоларни ҳал этиш учун катта куч ва имкониятларни сафарбар этдик.

2008 йилда вужудга келган ва тобора кучайиб бораётган жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва юмшатиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг ўсиши суръатлари ва аҳоли фаровонлигига хавф туғдирмаслик мақсадида ўтган давр мобайнида ўта зарур дастурларни амалга оширишга тўғри келди ва бу ишлар бугунги кунда ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Ана шундай муаммо ва қийинчиликларга қарамасдан, 2008 йил мобайнида иқтисодиётимизни босқичма-босқич ривожлантириш ва халқимиз ҳаёт даражасини юксалтириш йўлида салмоқли натижаларга эришдик.

Бу ҳақда гапирганда, сўнгги икки йил давомида мамлакатимизда ялий ички маҳсулотнинг ўсиши суръатлари 9 фоиздан кам бўлмаганини, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори эса ўртача 2 баробар

ортганини, қишлоқ аҳолисининг даромадлари сезиларли даражада кўпайганини айтиб ўтиш кифоя, деб ўйлайман.

Бугунги кунда бозор ва дўконларимиз расталари тукинсочин бўлиб, кўзни қувонтираётгани, нарх-наво меъёридан ошмагани, янги ишлаб чиқариш қувватлари, ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва модернизация қилиш ишларининг кўлами кенгайиб бораётгани, қишлоқ ва шаҳарларимиз қиёфаси ўзгариб, юртимиз, Ватанимиз тобора чирой очиб бораётгани, албатта ҳаммамизга қувонч ва гурур бағишлагани табиийдир.

Ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишларимизни сарҳисоб қилиб, эришган марраларимизнинг асосий мезони ва омиллари ҳақида гапирганда, авваламбор кўйидаги масалалар ҳусусида сўз юритганини ўринли деб биламан.

**Биринчидан**, бундай улкан ютуқлар шу заминда янаётган, миллати, дини ва этниконидан қатъи назар, барча инсонларнинг азму шижоати, уларнинг ўз келажагига бўлган мустақкам ишончи, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни сақлаш йўлида кечани кеча, кундузни кундуз демай қилган фидокорона меҳнати натижасидир.

**Иккинчидан**, буларнинг барчаси мамлакатимизни демократик янгиланган бўйича чуқур ўйланган ислохотлар сиёсатини изчил амалга ошириш, сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, эркин иқтисодиёт ва фуқаролик институтларини янада ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларимизнинг амалий самарасидир.

**Учинчидан**, бундай натижа-

лар — мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб ёиларимизга берилаётган катта эътибор, фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашга қаратилган улкан ишларимизнинг-ёрқин намоёни, десак, аини ҳақиқатни айтган бўлаемиз.

2008 йилнинг “Ёшлар йили” деб эълон қилиниши ўғил-қизларимизнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш, Кадрлар тайёрлаш умуммиллий дастурини ҳаётга жорий этиш, олий ўқув юрглари, янгигдан барпо этилган лицей ва коллежлар битирувчиларининг жамиятимизни янгиланган, Ватанимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қолир бўлган том маънодаги ҳал қилувчи кучга айланиши учун мамлакатимизда янги имконият ва шароитлар туғдириб берди.

**Тўртинчидан**, бизнинг тараққиёт йўлида олдинга юришимизнинг асосий таянчини шунда кўриш керакки — ҳаётимизнинг ўзгариб бориши билан инсон ўзгармоқда, одамларимизнинг ўзи, уларнинг дунёқарани, ҳаётга, ўз меҳнати натижасига муносабати ўзгариб, ёнатрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик туйғуси, ижтимоий ва сиёсий фаоллиги, фуқаролик онги ва масъулияти кучайиб бормоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз, азиз ватандошларимга мавжуд муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтиш борасида кўрсатган ғайрат-шижоатингиз, мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги тараққиётини таъминлашдаги фидокорона меҳнатингиз учун чин қалбимдан самимий ҳурмат ва миннатдорлик изҳор этишни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Қадрли дўстлар!

Мана шундай нуқуҳли дамларда, ҳеч шубҳасиз, ҳар биримиз кириб келаётган янги — 2009 йилда ҳаётимиз бугунгидан ҳам яхшироқ бўлишини, ўз қобилият ва имкониятларимизнинг янада тулиқ рўёбга чиқишини, барча эзгу орзу-умидларимиз амалга ошишини ният қилаемиз.

Бугун, 2009 йил оstonасида туриб, янги йил Ўзбекистон учун мамлакатни изчил ривожлантириш ва модернизация қилиш, боиллаган ислохот ва ўзгаришларимизни давом эттириш ва чуқурлаштириш йили, молиявий инқирозга қарши самарали дастурларни амалга ошириш, биринчи навбатда ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш, диверсификация қилиш ва рағбатлантириш, шунингдек, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни, аҳоли даромадлари ва ҳаёт даражасини ошириб бориш йили бўлади, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Биз 2009 йилни юртимизда “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилдик. Шу борада ўз олдимизга қўйган асосий мақсадлар — аввало қишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантириш, янги уй-жойлар, йўл ва коммуникация тармоқларини қуриш ва янгиланган, аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш, одамларимиз саломатлигини муҳофаза қилиш, таълим тизимини мустақкамлаш, мухтасар айтганда, қишлоқларимизда турмуш ва маданият даражасини юксалтириш билан бевосита боғлиқдир.

Қишлоқ жойларда замонавий технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналар барпо

этиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш асосида қишлоқ аҳолиси, авваламбор, ёшларни иш билан таъминлаш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, ўрта синф вакиллари — мулкдорлар, талбиркор ва ишбилармонлар манфаатларини ҳимоя қилиш гоят муҳим аҳамият касб этади.

Албатта, “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилинган 2009 йилда амалга ошириш кўзда тутилаётган чуқур ва кенг кўламли барча ўзгаришларнинг замирида қишлоқ тараққиёти тўғрисида, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади, деган оддий ва ҳаммамиз учун тушунарли бўлган ҳақиқат мужассамдир, десак, ўйлайманки, халқимизнинг фикру зикрини ифода этган бўлаемиз.

Айнан ана шундай мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ҳисобидан биз шпровард натижада юртимизнинг янада гузал қиёфа касб этиши ва халқимиз фаровонлигининг юксалиши, мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун ишончли ва мустақкам пойдевор яратишга эришамиз.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Барчангизни бағримга босиб, кириб келаётган янги — 2009 йил билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Янги йилда барчангизга сиз ҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барак тилайман!

Ватанимиз тинч, халқимиз омон, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти.

Республика Ички ишлар вазирлиги Марказий аппарати ходимларининг фарзандлари учун Янги йил байрами «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида ташкил этилди. Шу кунги ранг-баранг ўйинчоқлар билан безатилган арча атрофияга йиғилган болажонларни ИИВ ашула ва рақс ансамбли хонандалари шўх куй ва кўшиқлари билан хушнуд этишди.

Шоу бошлангач, болажонлар ўзлари ёд олган шеър ва кўшиқлардан айтиб, Қорбобо ҳамда Қорқиздан совға олишди. Насриддин Афанди, Ялмоғиз камнир, Бармалей, Аникполвон, Тулкивой каби эртақ қаҳрамонларининг чиқишлари барчага завқ бағишлади.

Абу КЕНЖАЕВ.

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар.



## ЎЗБЕКИСТОН

## ҲАФТА ИЧИДА

● Янги – 2009 йил кириб келиши муносабати билан Президентимиз Ислоҳ Каримов номига хоржий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат бошлиқлари, халқаро ташкилотлар раҳбарларидан халқимизга тинчлик-осойишталик, бахт-саодат, равнақ ва фаровонлик тилаб эзгу ниятлар изҳор этилган самимий қутловлар келиб турибди.

● Республика Олий Мажлис Сенатида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил қилиниб, «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари: фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш» мавзусида ўтказилган давра суҳбатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди.

● Айни кунларда жойларда ўтаётган аънавий «Президент арчаси» тадбирлари болажонларга битмас-туганмас шодлик бахш этаётди. Самарқанд шаҳридаги «Афросиёб палас» меҳмонхонасида ўтказилган байрам тантаналарига вилоятдаги меҳрибонлик уйлари, «SOS болалар маҳалласи» тарбияланувчилари, Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлиги, юртимиз тинчлиги йўлида қурбон бўлган осойишталик посбонларининг фарзандлари тақлиф этилди.

● Қўнғирот сода заводи халқаро мукофотга лойиқ қўрилиб, унга «Олтин қоплон» ҳайкалчаси топширилди. Мазкур мукофот Европа бизнес ассамблеяси (Буюк Британия), Халқаро саноатчилар ва тадбиркорлар конгресси (Россия) ва Ишбилармон доиралар ассамблеяси томонидан таъсис этилган бўлиб, ўзининг сифатли маҳсулотлари билан дунё бозорига дадил кириб келаётган компанияларга топширилади.

● Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўрғазмалар залида «Табиат ва расом» мавзусидаги аънавий кўрғазма очилди. Мазкур кўрғазма мусаввирларнинг ўзига хос ижодий сарҳисоби бўлиб, унда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида яшовчи мўйқалам соҳибларининг уч юздан зиёд ижодий иши намойиш этилмоқда.

● Фарғона шаҳрида «Энг намунали маскан» вилоят кўрик-танлови яқунланди. Республика Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур танловда шахар ва туманларда голиб чиққан маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари, тиббиёт, маданият, таълим муассасалари иштирок этди.

ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

Янги йил арафасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, генерал-лейтенант Б. Матлюбов республика ИИБ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор Ф. Раҳимов бошчилигидаги кенгаш вакиллари қабул қилди.

Фафур Раҳимов Фахрийлар кенгаши томонидан 2008 йилда амалга оширилган ишлар юзасидан қисқача маъруза қилди. Вазир Баҳодир Матлюбов фахрийларнинг ёшларни тарбиялаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарлик-

## ИШ ЯКУНЛАРИ ВА РЕЖАЛАРИ

ларнинг олдини олиш борасидаги ишлари учун самимий миннатдорчилик билдирди.

Ўтган Ёшлар йилида ҳам фахрийлар ёш ходимлар билан учрашсин, суҳбатлашсин мақсадида вилоятларда хизмат сафарлари бўлишди. Тадбирларда ёш йигит ва қизларга Ватанга муҳаббат, бурчи ва вазифасига содиқ бўлишига ундовчи қимматли маслаҳатлар бердилар.

Бундан ташқари, ўтган йил Ички ишлар идораларида профилактика йили бўлди. Фахрийлар жойларда бу борада янада фаоллик курсатдилар. Уч ярим мингдан ортиқ фахрий миллия таянч пунктларида профилактика инспекторлари билан бирга турли масалаларда мурожаат этган фуқароларга имкони борича ёрдам бердилар. Республикадаги 2990 та маҳаллада

бирорта жиноят содир этилмади, бунда фахрийларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, ёлғиз кексаларга ҳар томонлама кўмак берилаяпти. Уларни йўқлаб, совғалар улашляпти, юбилейларни нишонлаш ташкиллаштирилди. Зарур ҳолларда улар тиббий ёрдам, дори-дармонлар билан таъминланиб, дам олиш уйларида йўлланмалар ажратилляпти.

Йиғилишда Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида амалга оширилиши зарур бўлган ишларни режалаштиришда нималарга эътибор берилиши ҳақида келишиб олдилар.

И. САЙФУТДИНОВА.

### ЯНГИ ЙИЛ АРЧАСИ

## КИЧКИНТОЙЛАР ШОДЛАНСА – ОЛАМ ЯШАРАР

Янги йил байрами – болажонлар учун мароқли. Айниқса, арча байрамида кичкинтойларнинг қувончу шодликларига биз, катталар ҳам шерик бўлишимиз лозим.

Республика ИИБ Академиясида ташкил этилган арча байрамида ҳам ана шундай руҳ сезилиб турди. Бунинг учун олий билим юрти раҳбарияти ва шахсий таркиби бор имкониётларни ишга солишди. Даставвал болажонлар турли ўйинчоқлар билан безатилган арча атрофида Қорбобо ва Қорқиз билан дилдан яйраб-қувнашди. Сўнг болажонларга Академия концерт залида республика Ёш томошабинлар театри актёрлари ижросида театрлаштирилган томоша намойиш қилинди. Турли эртақ қаҳрамонлари иш-

тирокидаги қизиқарли саҳна кўринишлари болажонларда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, жажжи кичкинтойлар ижросидаги шеър, ашула ва рақслар арча байрамга янада файз бағишлади.

Академия ходимларининг фарзандлари ҳамда тадбирга тақлиф этилган Юнусобод туманидаги 21-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун байрам дастурхони ёзилди.

Тадбир сўнггида Қорбобо ва Қорқиз болажонларга совғалар улашди.

Ф. АЗИЗОВ.



Суратда: арча байрамидан лавҳа.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

### БАРЧАГА ҚУВОНЧ УЛАШДИ

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнги хавфсизлиги олий техник мактабида Янги йил тантаналарига бағишланган байрам кечаси бўлиб ўтди. Олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари, ходимлари, уларнинг оила аъзолари ва болажонлари қатнашган тадбирни мактаб бошлиғи, генерал-майор М. Собиров очиб, барчани кириб келаётган қувончли айём билан қизгин табриклади.

Шундан сўнг байрам тадбирининг энг қувончли дамлари бошланди. Унда билим маскани ходимларининг фарзандлари қизиқарли театрлаштирилган дастурни мароқ билан томоша қилишди ҳамда мактаб раҳбарияти томонидан тақдим этилган совғалар кечанинг азиз меҳмонлари – Қорбобо ва Қорқиз иштирокида барчага улашди.

Тадбирнинг иккинчи қисмида эса жамоа ифтихорига айланган катта ўқитувчи, майор Абдулла Тангриев «2008 йилнинг энг яхши спортчиси» деган номга сазовор бўлганлиги учун мактаб раҳбарияти томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, мактабда кўп йиллик самарали фаолият кўрсатган подполковниклар И. Самишқина, А. Сулейманов ҳамда майор Б. Бобоев нафақага кузатилди.

ИИБ Ашула ва рақс ансамбли хонандалари ҳамда томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар, рақслар, ичакузди хангомалар ва курсантларнинг қизиқарли чиқишлари тадбирга хушқайфият бағишлади.

Ўқтам ХОЛИҚОВ,  
капитан.

### БАЙРАМ ШУКУҲИ

Янги йил байрами шуқуҳини катталардан кўра кўпроқ болажонлар яхши ҳис қилишади. Қорақалпоғистон Республикаси ИИБда бўлиб ўтган байрам тадбири ҳам болажонлар қалбини беҳад тўлқинлантириб юборди. Қорбобо ва Қорқизнинг чиқишлари, болалар билан бирга чиройли қилиб безатилган арча атрофини айланиб рақс тушишлари уларга завқ бағишлади.

Айниқса, Президент совғалари болажонларга чинакам қувонч улашди. Шунингдек, хизмат вақтида ҳалок бўлган ходимларнинг фарзандларига берилган совғалар ҳам улар учун унутилмас воқеа бўлди.

Ёш томошабинлар театри ва Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ бадиий хаваскорлик тўғраги томонидан тайёрланган ранг-баранг театрлаштирилган байрам дастури эса нафақат болажонларда, балки барча иштирокчиларда ҳам илиқ таассурот қолдирди.

Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.

Қорақалпоғистон Республикаси.

### ШОДИЁНАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қиш фаслида катта-ю кичикка бирдек хушқайфият бағишловчи Янги йил байрами Қашқадарёда ўзгача қарши олинди. Муллаўйчи Тошмуҳаммедов номли вилоят мусикали-драма театрида бўлиб ўтган «Президент арчаси» тадбирини вилоят ҳокими Н. Зайниев кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг барчани айём билан қизгин табриклаб, болажонларга Президент совғаларини топширди.

Тадбирда театрлаштирилган томоша ҳам намойиш этилди.

Содиқ РАҲИМОВ.

Қашқадарё вилояти.

### СОВҒАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Янги йил арафасида фарғоналик ҳуқуқ-тартибот посбонларининг фарзандлари вилоят ички ишлар бошқармасида жамулжам бўлдилар. Унда вилоят ИИБ бошлиғи, генерал-майор Т. Худайбергенов жажжи меҳмонларни орзиқиб қутилган шодиёна билан қизгин муборакбод этди. Шундан сўнг уларга бошқарма томонидан тайёрланган совғалар топширилди.

Шу кунги кичкинтойлар ранг-баранг ўйинчоқлар билан безатилган арча атрофида қўшиқ қуйлаб, рақсга тушдилар. Айниқса, Фарғона Давлат кўғирчоқ театри актёрларининг чиқишлари барчага манзур бўлди.

Олимпия захиралари коллежида ташкил этилган «Президент арчаси» эса ханузгача зўр тантана билан давом этмоқда.

Раҳмонали ҚОСИМОВ.

Фарғона вилояти.

### ҲАМКОРЛАР УЧРАШУВИ

Янги йил байрами муносабати билан «Билайн» компанияси вакиллари Хоразм вилояти ИИБга ташриф буюришди.

Учрашувни вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Б. Раҳимов очиб, халқ осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда жамоатчилик билан ҳамкорликда амалга ошириляётган ишлар ижобий самара бераётганига тўхтади. Шундан сўнг «Билайн» компаниясининг Хоразм вилояти гуруҳи раҳбари Б. Бекназаров замонавий алоқа воситаларининг ҳаётимизда тутган ўрни ҳамда янги йилдаги режалари ҳақида атрофлича фикр юритди.

Тадбирда компания томонидан халқ осойишталигини таъминлашда сиздиқидилан хизмат қилаётган вилоят ИИБ ЁХБ бўлима командири, сержант Умид Абдукаримов, вилоят ИИБ ЖК ва ТҚБ катта тезкор вакили, капитан Дармонжон Аvezова, вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони штаб бошлиғи, капитан Улуғбек Қурбонов каби бир гуруҳ ходимларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Худойберган ЖАББОРОВ,  
«Постда» муҳбири.

Хоразм вилояти.



«ПАЙҲОН»

# НОБУДГАРЧИЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

**Дехқонларнинг машаққатли меҳнати ҳамиша таҳсинга лойиқ. Улар меҳнатини қадрлаш, майдонлардаги қишлоқ хўжалиги экинларини турли талафотлардан сақлаш ҳар бир онгли инсоннинг бурчидир. Зеро, бугун кўзни қувнатиб униб-ўсаётган бугдой эртанги мўл-ҳосил гарови, юртимиз галла мустақиллигининг ишончли қафолатидир.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги «Қишлоқ хўжалиги экинларини пайҳон қилинишига қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишларни янада жонлантириб юборди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Ички ишлар вазирлиги соҳавий хизматлари ва уларнинг жойлардаги тизимлари томонидан қишлоқ хўжалиги экинларини пайҳон қилинишининг олдини олишга қаратилган қатор чора-тадбирлар белгиланиб, тегишли ташкилий ва амалий ишлар бажарилмоқда.

га нисбатан кескин қонуний чоралар кўришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чорва моллари экинзорлар ҳудудига киришининг олдини олиш мақсадида уларнинг атрофини четанлар билан ўраш назардан четда қолмапти. Бу борада амалга оширилаётган ишларни жамлаб бориш, уларни таҳлил ва назорат қилиш мақсадида вилоят ва туман ИИБларида ишчи гуруҳлари тузилган.

диди бугунги кунда республика бўйича 1338 та кузатув гуруҳи тузилган. Ўтказилаётган рейдлар натижасида 980 та экинзорларни чорва моллари томонидан пайҳон қилиш ҳолати аниқланди. Бунинг оқибатида 824 нафар фуқарога нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

казилган моддий зарарни тўлиқ ундирди. Тўғри, дехқон меҳнатини ҳар ким ҳам чуқур тушуниб етавермайди. Бироқ ўзи хўжалик аъзоси бўла туриб, нон-туз еяётган жойига нисбатан беписанд муносабатда бўладиган, лоқайдлиги ортдан нафақат фермер, балки алалоқибат ўзига ҳам зиён етказётганларни кўрганнинг афсусланасан, киши. Олтиариқ тумани «Қапчуғай» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги «Улуғбек Зафаробод» фермер хўжалиги ишчиси Ф. Дониёровнинг 20 бош қўйи мазкур хўжаликка тегишли бугдой майдонининг 0,05 гектарини пайҳон қилган. Натижада хўжалик иқтисодига зарар етган. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман суди қарор чиқариб, Ф. Дониёровни жаримага тортиди ва хўжаликка етказилган зарар тўлиқ ундирилди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

**Норали ОЧИЛОВ,**  
**ИИБ Матбуот маркази**  
**бош инспектори,**  
**лейтенант.**

## БАҒРИКЕНГЛИК

### УЛАР АДАШГАН ЭДИ

**Миллатимизга хос эзгу фазилатлар, қадриятлар жуда кўп. Шулардан бири кечиримлилик ҳисобланади. Халқимиз азал-азалдан адашиб жиноятнинг турли йўлларига кириб қолган кишиларни кечириб, уларга ёрдам кўрсатган.**

Фарғона шаҳрида истиқомат қилувчи П. Константин ҳам адашиб ўғирлик жиноятига қўл урганди. Шундан сўнг суд унга нисбатан тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади. Жазони ижро этиш муассасасида жазони ўтаётган маҳкум Олий Мажлис Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг 17 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорига асосан муддатидан олдин озодликка чиқарилди.

**Абдувосит СИДДИҚОВ.**

Фарғона вилояти.

## ТАДБИР

### МЕҲР-ЭЪТИБОР КЎРСАТИЛДИ

**Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти ва фахрийлар кенгаши ташаббуси билан Янги йил арафасида ички ишлар идораларида кўп йиллар самарали хизмат қилиб нафақага чиққан фахрийлар, уруш қатнашчилари, ногиронлар, кам таъминланган ва хизмат соғида ҳалок бўлган ходимларнинг оиласидан хабар олиниб, байрам совгалари улашилди.**

— Бу каби тадбирлар доимий анъанага айланган, — дейди бошқарма ШТБҲХ бошлиғи ўринбосари, майор Комилжон Яхшиликков. — Мақсад эл тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдек хайрли ишга умрининг навқирон дамларини бағишлаб, эндиликда нафақада бўлган кекса ва эътиборга муҳтож фахрийларимизга оз бўлса-да маънавий мадад, руҳий қувват бериб, қалбларига қувонч улангани. Ўзининг эътиборда эканлигини ҳис қилиш албатта, ҳар бир инсонга кўтаринки кайфият бахш этиб, ҳаётга, эртанги кунга умид ва ишонч уйғотади.



— Турмуш ўртоғим бундан бир неча йил илгари хизмат вақтида ҳалок бўлган, — дейди Кармана туманида яшовчи С. Умарова. — Гарчи оралар йиллар ўтган бўлса-да, сафдошлари, жамоаси унутгани йўқ. Нафақат Янги йил, бошқа байрамларда ҳам совға-салом билан йўқлаб, ҳолимиздан хабар олишди. Бу каби эътибор ва ғамхўрликлар фарзандларимга далла бўлди. Улар отаси билан ҳамиша фахрланади.

— Байрам баҳона хонадонимга келиб, эътибор кўрсатганларидан бошим осмонга етди, — дейди саксон тўрт ёшли отахон, уруш қатнашчиси, ички ишлар идоралари фахрийси Э. Нурманов. — Илоҳим, Янги йил кут-барақали, омадли келсин. Юртимиз тинч, хонадонларимиз бундан-да обод, фаровон бўлсин.

**Нигора РАХИМОВА,**  
**майор.**

Суратда: тадбирдан лавҳа.

Муаллиф олган сурат.

## ЖАҲОН



### АЙВОНИДА

**НАМОЙИШ ЭТИЛДИ**  
**ИТАР-ТАСС** ахборот агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, Япон космик агентлиги (JAXA) янги «HTV» (H2 Transfer Vehicle) юк ташувчи космик апаратини намоийш этган. Узунлиги 10 метрлик, вазни ўн тоннадан зиёдроқ ушбу қурилмани тайёрлашга 760 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланган. Ундан Халқаро космик станцияга юк ташиш мақсадида фойдаланилади.

### ЖАРИМАНИНГ ЯНГИ ТУРИ

Буюк Британия ҳукумати транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида янги турдаги жарима қўллаш таклифи билан чиқмоқда.

### БЮДЖЕТ ТАҚЧИЛЛИГИНИ ҚОПЛАШ ЙЎЛИДА

Associated Press ахборот агентлигининг хабарига кўра, АҚШнинг бир қатор штатлари раҳбарияти ўз ихтиёрларида бўлган йўллар, аэропортлар, хиёбонлар ва чўмилиш ҳавзаларини сотиш ва ижарага бериш орқали бюджет тақчиллигини бартараф этмоқчи.

### ТАБИИЙ ОФАТ

France Presse ахборот агентлигининг хабар беришича, Индонезиянинг Фарбий Папуа музофотидаги Маноквари шаҳри яқинида Рихтер шкаласи бўйича 7,2 баллга тенг бўлган ер силкиниши рўй берган. Ҳозирча зилзила келтирган зарарлар тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ.

### ШАҲАР БАРПО ЭТИЛАДИ

Оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарда айтилишича, Миср марказида «Calgo Festival City» номи янги шаҳар барпо этилади. Дубайнинг «Al-Futtaim» компанияси томонидан амалга оширилаётган қурилиш ишларига 3,6 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилган. Янги шаҳар 2011 йилгача бунёд этилиши режалаштирилган.

Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

# ЯШАШ ВА ЭРКИНЛИКНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон халқи ўзининг Асосий қонунида инсонпарвар, адолатли, демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни олий мақсад қилиб қўйган эди. Мана, ўн беш йилдирки, ана шу мақсад сари дадил одимлаб, хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари, аجدодларимизнинг бой сиёсий-ҳуқуқий мероси асосида мустақил давлатчилик концепциясини амалга ошириб келмоқда. Айниқса, суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг янги концепциясини амалга оширишда салмоқли натижаларга эришилди.

Юртбошимиз суд-ҳуқуқ тизими ислохотларининг ва либераллаштиришнинг икки асосий йўналишига: суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришнинг муҳим шарт бўлган жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш ва прокуратура ваколатларининг бир қисмини судларга ўтказиш, энг аввало, инсон ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, дахлсизлигини чеклашга алоқадор масалалар бўйича, хусусан, шахсни ушлаб туриш, ҳибсага олиш ва бошқа процессуал мажбурий чораларни қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишга алоҳида эътибор қаратган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонлари истиқлол йилларида мамлакатимизда изчил олиб борилган ҳуқуқий

ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди. Ўлим жазосини бекор қилиш ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш инсоният тараққиётида демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият қуришнинг зарур шартларидир.

Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказилганининг бир йиллик тажрибаси шуни кўрсатдики, биринчидан, ўлим жазосининг бекор қилиниши жиноятчиликнинг ўсишига кескин таъсир этади деган хавотирнинг асосиз эканлигини кўрсатди ва ўлим жазосининг бекор қилиниши билан жиноятчиликнинг ўсиши ўртасида сабабий боғланиш мавжуд эмаслиги ўз исботини топди. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказилганлиги эса, Конституциямизнинг 19-моддасида белгиланганидек, «Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз-

дир, улардан суднинг қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч қандай ҳақли эмас» деган қонунда амалда қафолатлаш имкони яратилди. Иккинчидан, ўлим жазосининг бекор қилиниши суднинг хатоси туфайли айбланган, бироқ айбсиз одамлар қатл этилишининг олдини олиш ҳамда апелляция, кассация ва назорат инстанциялари механизмлари орқали суд хатоларини тузатиш имкони вужудга келди. Учинчидан, ўлим жазоси белгиланиши

бод қамоқ жазосига ҳукм қилинган маҳкумларни сақлашга кетадиган харажатлар уларнинг меҳнати эвазига қопланишига эришилди. Олтинчидан, «ўлим жазосини бекор қилишга Ўзбекистон давлати, халқи тайёр эмас, уни қайта жорий этишга мажбур бўлади» деган асосиз фикрларга чек қўйилди.

Айтиш жоизки, ўтган ўн етти йил давомида мамлакатимизда ўлим жазосини ташқириш 15 баравардан кўпроққа камайди, 2008 йил 1 январгача ўлим жазоси

ган. Шу йилда яна етти минг киши ўлим жазосига ҳукм қилинган. Айни дамда қатл ҳоллари ошар экан, олий жазони ман этган давлатлар сони ҳам ошган. 2008 йилда яна бешта давлат ўлим жазосини бекор қилди. Ваҳоланки, айрим демократик, иқтисодий ривожланган мамлакатлар ҳали бу босқичга қадам қўйганича йўқ. Ўзбекистонда изчил амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёни бизга бу жазо туридан бутунлай воз кечиш имконини берди. Сўнгги ўн йил мобайнида ҳар йили ўрта ҳисобда учта мамлакат ўлим жазосини бекор қилмоқда. Ҳозирда 112 та давлат қонунда ёки амалда ўлим жазосини бекор қилган, 83 мамлакатда эса бу жазо ҳануз қўлланилмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритганидан кейин ўтган 17 йил ичида биз бу борада европалар билан баҳаранидан кўра кўпроқ ишларни амалга оширдик. Шубҳасиз, ҳали бундан юксакроқ натижаларга эришамиз, ўлим жазосини бутунлай бекор қилишга эришдик. Шу боис ҳам юртимизда мазкур масалани ҳал этиш босқич-масаласида амалга оширилди. Ўзбекистонда ўлим жазосини тўлиқ бекор қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини, фуқароларимиз бир йиллик тажрибада ҳар тарафлама англаб етдилар, давлатимиз

рахбари ва ҳукуватимиз томонидан танланган стратегиянинг сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий самарадорлигига тўғри баҳо бериб, унга ишонч ҳосил қилдилар. Бунинг учун матбуот ва оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда, маҳалларда маърузалар қилинди ва фуқаролар билан суҳбатлар ўтказилиб, кенг ахборот-тушунтириш ишлари олиб борилди. Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилишнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш борасида олимлар, амалиёт ходимлари томонидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Хуллас, Ўзбекистонда белгиланган барча ишлар якунланиб, умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахсларни сақлаш учун барча шарт-шароит яратилди. Мана, бир йилдирки, юртимизда ўлим жазоси бутунлай бекор қилинди. Мамлакатимизда инсоннинг яшаш ҳуқуқи ва манфаатлари энг устувор қадрият эканлиги сўзда эмас, амалда таъминланмоқда. Бу эса, Ўзбекистон халқининг қомил ишонч билан инсонпарвар, адолатли, демократик, ҳуқуқий давлатни шакллантириб, ривожланиш босқичига қадам қўйганлигидан далолат беради

**Холмурод НАЗАРОВ,**  
юридик фанлар  
номзоди, доцент.

**Мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилинганлиги ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказилганлиги бир йил тўлди.**

халқимизнинг диний ва ахлоқий нормаларига зидлиги тан олинди ва юртимизда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият эканлиги ҳам ҳуқуқий, ҳам ғоявий-мафруравий қафолатланди. Тўртинчидан, умрбод озодликдан маҳрум этилган жиноятчилар ўз айбларини фидокорона меҳнати, тузатишга ҳулқ-атвори билан оқлашига шарт-шароит яратилди. Жиноят содир этишда айбланаётган шахс, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинмай, озодлиги сақлаб қолинган фуқаролар ўзларини ҳимоя қилиш бўйича зарур имкониятларга эга бўлдилар. Бешинчидан, умр-

назарда тутилган жиноятлар Жиноят кодексига биноан, жазо белгиланган жиноятларнинг атиги бир фоизга яқинини ташкил этиб, ўлим жазоси фақат жамиятимизга хавф солувчи ўта шафқатсиз шахслар – қотиллар ва террорчиларга нисбатан қўлланилди. Вояга етмаганлар, аёллар ва 60 ёшдан ошган шахслар бу жазони тайинлаш қонун билан тақиқланди.

Дунё миқёсида ўлим жазоси қўлланилган шахслар сони охириги ўн йил ичида ниҳоятда ортган. «Амнести интернешнл» ташкилотининг маълумотларига қараганда, 2008 йилда 4 минг киши ўлим жазосига маҳкум этил-

## ҚОНУНЧИЛИКНИ УРГНАМИЗ

# АМНИСТИЯ АКТИНИ ҚўЛЛАШ ТАРТИБИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ

Ҳуқуқий давлат қуришнинг муҳим шартларидан бири – фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳисобланади. Шу боис, мамлакатимизда олиб борилаётган барча ислохотлар инсон ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини таъминлашга қаратилган.

Шу ўринда таъкидлашимиз лозимки, жамиятни демократлаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни тақомиллаштиришга қаратилган «Амнистия актини қўллаш тартибининг тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилди.

Маълумки, 2008 йил Олий Мажлис Сенати томонидан нафақат амнистия тўғрисидаги Қарор, балки уни қўллаш тартиби ҳақидаги Низом ҳам қабул қилинди ва бу Низом билан жиноят ишини судга қадар юритиш ва жиноий жазоларни ижро этиш босқичида амнистия актини суд томонидан қўллаш тартиби жорий қилинди. Лекин амалдаги ЖПКда амнистия актини қўллашнинг процессуал тартиби белгиланмаганлиги суриштирув, тергов ва суд органларига маълум бир қийинчиликларни келтириб чиқараётган эди. Бу ҳолатнинг олдини олиш мақсадида мазкур қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва унда Жиноят-процессуал кодексига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, мазкур қонун билан

Жиноят-процессуал кодексига киритилаётган янги 63-бобда суриштирувчи, терговчи томонидан материал ёки жиноят иши прокурорга юборилиши, прокурор томонидан амнистия акти асосида жиноят ишини қўзғатиш рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритилиши, материал ёки ишнинг судда кўрилиши ва қарор қабул қилиниши тартибини белгилади.

Терговолди текширув, суриштирув ёки дастлабки тергов давомида шахсни амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш учун қонуний асослар бўлган тақдирда, суриштирувчи, терговчи материал ёки жиноят ишини мазкур шахснинг аризаси ҳамда амнистия акти асосида жиноят ишини қўзғатиш рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги илтимоснома билан судга муружаат қилиш ҳақидаги тақдимнома билан бирга прокурорга юборади. Бунда, бир неча шахсларга нисбатан жиноят иши бўйича улардан ақалли бири амнистия акти таъсир доирасига тушса, жиноят ишининг унга нисбатан қисмини тегишли илтимоснома билан судга киритиш учун алоҳида иш юритувга ажратиш мумкин. Прокурор материал ёки жиноят ишини ўрганиб, амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғат-

тишни рад қилиш ёхуд жиноят ишини тугатиш учун қонуний асослар бўлган тақдирда, материал ёки жиноят иши унга келиб тушган кундан бошлаб беш суткадан кечиктирмай тегишли илтимосномани қўзғатади ва материални (жиноят ишини) судга юборади. Мазкур илтимоснома жиноят содир қилинган ёки дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан яқка тартибда қўриб чиқилади. Суд мажлисида прокурор иштирок этиши шарт.

Бундан ташқари, суд мажлисида амнистия актини қўллаш масаласи қўйилган шахс ҳамда ишда иштирок этаётган бўлса – унинг қонуний вакиллари ва ҳимоячиси иштирок этади. Айни пайтда, суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида лозим даражада хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги унинг ўтказилишига монелик қилмайди.

Суд мажлиси илтимоснома жиноят ишини қўзғатиш рад қилиш тўғрисидаги материал ёки жиноят иши билан судга келиб тушган кундан бошлаб ўн суткадан кечиктирмай ўтказилади.

Суд мажлиси натижасида ажрим чиқарилиб, унда:

1) амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатиш рад қилиш ёки

жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги; 2) прокурорнинг жиноят ишини қўзғатиш рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги илтимосномасини қаноатлантиришни рад этиш ва умумий қондалар бўйича терговолди текширув ёки дастлабки тергов юритилиши учун тегишлича материал ёки жиноят ишини прокурорга юбориш тўғрисидаги;

3) эҳтиёт чоралари тўғрисидаги; 4) ашёвий далиллар тўғрисидаги; 5) фуқаровий даъвоини таъминлаш чоралари тўғрисидаги масалалар ҳал қилинади.

Судьянинг ушбу ажримига нисбатан амнистия актини қўллаш масаласи қўйилган шахс, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг қонуний вакиллари, ҳимоячиси томонидан хусусий шикоят берилиши, прокурор томонидан эса хусусий протест келтирилиши мумкин.

Шунингдек, ЖПКга маҳкумни амнистия акти асосида асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазолардан озод қилиш ёхуд жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёки унга тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисмининг енгилроқ жазо билан алмаштириш прокурорнинг илтимосномасига асосан маҳкумнинг жазони ўташ жойидаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси томонидан амалга ошири-

лиши ҳақидаги норма киритилди (536<sup>1</sup>-модда).

Шу билан бирга, Жиноят-ижроия кодексининг 166-моддасига киритилган қўшимчага кўра, тегишли асос бўлган тақдирда, жазони ижро этувчи муассаса ёки органининг маъмурияти маҳкумга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани судга киритиш ҳақида прокурорга тақдимнома юбориши лозим.

Бундан ташқари, Қонун билан ЖПК ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг нормалари юқорида баён этилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқлаштирилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Амнистия актини қўллаш тартибининг тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланиб, 2008 йил 22 декабрда Президентимиз имзолаганидан сўнг қучга кирди.

Шу ўринда қайд этиш керакки, амнистия актини қўллаш тартибининг тақомиллаштириш мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ бошланган суд-ҳуқуқ ислохотларининг давоми ҳисобланади. Чунки, демократик мамлакатнинг биринчи навбатдаги ва энг асосий вазифаси – бу унинг қабул қилинаётган қонунлари орқали ўз фуқароларини ҳуқуқ ва эркинликларини аъло даражада таъминлашдир.

**Фахриддин КОМИЛОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик  
ва суд-ҳуқуқ масалалари  
қўмитаси аъзоси.



**ЗАМОН БИЛАН ҲАМҚАДАМ**

**Ҳозирги шароитда мамлакатимизда амалга ошири-  
лаётган кенг миқёсли ислохотларнинг йўналишларидан  
бири халқимизнинг бой интеллектуал мероси ҳамда  
умуминсоний қадриятлар, маданият, фан, техника ва  
технологиянинг янги ютуқларига асосланган юксак ма-  
лакали кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини шакллан-  
тиришдир. Бунда педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта  
тайёрлаш, уларнинг узлуксиз таълим олиши масалала-  
рига алоҳида эътибор қаратилади. Президентимиз таъ-  
кидлаганидек, «Кадрлар тайёрлашнинг сифати, эркин  
фикрловчи шахс – фуқарони камол топтириш эртага  
синфхоналар ва аудиторияларда кимлар дарс ва сабоқ  
беришига боғлиқ».**

Республика ИИВ таълим му-  
ассасаси ўқитувчилар таркиби-  
ни касбий-педагогик тайёрлаш-  
нинг самарадорлигини ошириш  
ички ишлар идоралари ходим-  
ларига касбий таълим беринни  
такомиллаштиришнинг асосий  
негизидир. ИИВ Академиясида  
ушбу вазифани амалга ошириш-  
нинг муҳим шарти – педагог  
кадрлар малакасини ошириш-  
нинг самарали тизими амал  
қилиши, ёш ўқитувчилар педа-  
гогик маҳорати мактабнинг  
фаолият кўрсатишидир. Ушбу  
тизим ўқитувчиларнинг касбий  
хислатларини такомиллашти-  
риш, тингловчиларнинг назарий  
билимларни ўзлаштиришларида  
кафолатли натижаларни таъ-  
минлаш, уларда зарур амалий  
ўқув ва кўникмаларни ҳосил  
қилиш мақсадида таълим жараё-  
нига инновацион педагогик тех-  
нологиялар ва таълим усуллари-  
ни жорий этишга қаратилган.

Айтиш лозимки, ҳозирги  
кунда инновацион педагогик  
фаолият ИИВ Академияси таъ-  
лим фаолиятининг муҳим тар-  
кибий қисми ҳисобланади. Бу-  
нда таълимдаги инновация дега-  
нда, педагогик технологияларни  
такомиллаштириш жараёни,  
таълим методлари, усул ва во-  
ситаларининг йиғиндиси тушу-  
нилади. Айнан инновацион фа-  
олият педагогнинг касбий  
ўсиши, ижодий изланиши учун  
асос яратади, тингловчи ва кур-  
сантларнинг шахс сифатида  
шаклланишига чинакамига таъ-  
сир кўрсатади.

Инновация – янги киритил-  
ган тартиб-қоида, янгилик. Бу  
фаолият таълимнинг мавжуд  
шакл ва усуллари янгиланганда,  
уларни амалга ошириш учун  
янги мақсад ва воситалар яра-  
тишга қаратилган. Муҳими –  
шахснинг (ўқитувчининг ҳам,  
тингловчининг ҳам) бутун са-  
лоҳияти ривожланиши, ҳар қан-  
дай, ҳатто қутилмаган ҳолатлар-  
га ҳам тайёр туриши, янги ва-  
зиятларга тез мослаша олиши  
учун шароит яратиш.

Инновацион маданият – ин-  
новацион тизимда тўпланган  
тажриба ва янгиликларнинг ди-  
намик бирлигини сақлаган  
ҳолда, инсоният ҳаётининг тур-

кил қилишнинг янги шакл ва  
усулларини ишлаб чиқиш, си-  
новдан ўтказиш ва жорий этиш-  
да ўқитувчиларга методик ёрдам  
кўрсатиш; ўқув жараёнини таш-  
кил қилиш ва илмий тадқиқот-  
лар методологияси муаммолари  
бўйича вақти-вақти билан Ака-  
демия ходимларининг семинар-  
ларини ўтказиш, халқаро ҳам-  
корлик дастурларини амалга  
ошириш доирасида чет эл ўқув  
муассасалари билан илмий ва  
илмий-педагогик лойиҳаларни

фика фанларининг таълимнинг  
янги шакл ва усуллари жорий  
этиш муаммоларини ўрганиш  
борасидаги ютуқлари тўғрисида  
маърузалар ўқилади, илмий ах-  
борот бериллади.

Академияда ўқитувчиларга  
инновацион педагогик техноло-  
гиялар Марказ негизда Акаде-  
мия ички ўқув талбирлари –  
семинарлар, уйинли тренинг-  
лар, ўқув талбирларининг таш-  
килий-фаолиятли ҳамда бошқа  
турларини ташкил этиш орқа-

ларидан дарс бериш методика-  
сини ўрганадилар. Марказ олди-  
мизда турган вазифаларни са-  
марали ҳал этишга имкон бе-  
радиган энг замонавий техник  
воситалар билан таъминланган.  
Булар ягона локал тармоқда  
ишлайдиган янги компьютер-  
лар, презентация ва ўқув теле-  
видениеси ва кўлаб бошқа во-  
ситалардир. Марказда кафедра-  
лар ўқитувчилари ва ўқув-мето-  
дик кабинетлар бошлиқлари  
учун таълимнинг мазкур техник  
воситаларидан комплекс фой-  
даланиш масалалари бўйича  
маншулотлар ўтказилади ва мас-  
лаҳатлар бериллади.

Марказ негизда 2008 йил-  
нинг 23–26 декабрь кунлари  
ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойи-  
ҳалари координатори кўмаги-  
да ташкил этилган «Таълимнинг  
интерфаол усуллари ва презен-  
тациялар ўтказиш малакаси»  
мавзуда семинар-тренинг ўтка-  
зилганлигини унинг самарали  
ишларидан бири сифатида ми-  
сол қилиб келтириш мумкин.  
Семинар-тренингда Ўзбекистон  
Республикаси ИИВ Академияси,  
Тошкент олий ҳарбий-тех-  
ник билим юрти, Ёнғин хавф-  
сизлиги олий техника мактаби-  
нинг ўқитувчилари иштирок  
этидилар. Маншулотни Тошкентда-  
ги «Global progress» ўқув маркази-  
нинг интерфаол таълим соҳа-  
сидаги экспертлари ўтказдилар.  
Тренинг қатнашчилари тўрт кун  
мобайнида таълим муассасала-  
рининг ўқув-тарбия жараёнига  
янги педагогик технологиялар-  
ни жорий этиш имкониятлари-  
ни ўрганишди.

Асосий эътибор маърузалар  
ўқиш ва семинар маншулотлари-  
да интерфаол усуллари қўллаш  
методикаси, ўқув туруқларида  
ишни таълимнинг инновацион  
усуллари билан фойдаланиб ташкил  
қилишга қаратилди. Тренинг жа-  
раёнида унинг иштирокчилари  
мушаккъл равишда алоҳида мав-  
зулар бўйича презентациялар  
ишлаб чиқилди, сўнгра ўқув ма-  
ншулоти доирасида уларни на-  
мойиш этдилар.

Семинар-тренинг ушбу тал-  
бирни ўтказган экспертлар ҳам,  
унинг иштирокчилари бўлган  
ИИВ Академияси ва бошқа таъ-  
лим муассасаларининг профес-  
сор-ўқитувчилари ҳам юқори  
малакали эканлигини кўрсатди.

Касбий таълимнинг келажак-  
гини инновацион педагогик  
технологиялар билан тасаввур этиб  
бўлмайди. Зеро, замонавий тех-  
нологияларни эгаллаганлик  
ҳозирги кунда педагог фаолият-  
ининг асосий хусусиятига ай-  
ланмоқда ва таълим жараёни-  
ни ташкил этишнинг янада  
юқори поғонасига ўтилаётгани-  
ни билдиради.

**Александр ЯКУБОВ,**  
республика ИИВ Академияси  
бошлиғи, юридик фанлар  
доктори, профессор.

# ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

ли соҳаларига оид янгиликлар-  
ни мақсалли тайёрлаш, комп-  
лекс тарзда жорий этиш ва ҳар  
томонлама ўзлаштиришга оид  
билим, кўникма ва тажрибалар-  
дир, бошқача айтганда, вори-  
сийлик принципига риоя қилиб,  
эркин тарзда янгилик яратиб.

Ушбу фаолиятни методик  
жиҳатдан таъминлаш ва Акаде-  
мия таълим жараёнига иннова-  
циялар (янгиликлар)нинг жор-  
ий этилишини кузатиб бориш-  
да Инновацион педагогик тех-  
нологиялар маркази асосий  
ўрин тутлади. Ушбу Марказ  
ЕХХТнинг Ўзбекистондаги  
лойиҳалари координатори ва  
Академия ўртасида имзоланган  
Ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик  
тўғрисидаги меморандумга му-  
вофиқ «Ўзбекистон Республи-  
каси ИИВ Академиясида  
ҳуқуқни муҳофаза қилувчи  
органлар учун кадрлар тайёр-  
лаш тизимини такомиллашти-  
ришга кўмаклашиш» лойиҳаси-  
ни амалга ошириш доирасида  
ташкил қилинган. Асосий мақ-  
сад – инновацион педагогик  
технологиялар ишлаб чиқиш,  
ўқитувчиларнинг касбий шак-  
лланиши ва ривожланиши, пе-  
дагогик маҳоратларининг дои-  
мий равишда ошириб бориши  
учун қулай шароит яратиш ор-  
қали келгусида Академияда пе-  
дагогик фаолият самарадорли-  
гини кўпайтириш.


Инновацион педагогик тех-  
нологиялар марказининг муҳим  
вазифаларига қуйилади қира-  
ди: барча турдаги ўқув маншу-  
лотлари ва индивидуал ишлан-  
малар, уларни ўтказишнинг энг  
илғор шакл ва усуллари бўйича  
ўқитувчиларни методик жиҳат-  
дан тайёрлаш учун шароитлар  
яратиш; ўқитишнинг замонавий  
техник воситалари билан ишлан-  
кўникмаларини эгаллашда, Ака-  
демияда таълим жараёнини таш-

биргаликда ишлаб чиқиш ва  
амалга ошириш, полициячи  
кадрлар тайёрлаш борасида  
тўпланган хорижий тажрибани  
умумлаштириш дастурини амал-  
га ошириш.

Марказнинг иши Академия-  
нинг кафедралари, илмий-мето-  
дик кенгашилари ҳамда бошқа  
бўлинмалари билан узвий ҳам-  
корликда режалаштирилади ва  
ташкил этилади. Улар Марказ-  
нинг методик фондини шакл-  
лантириш, ўқув-методик ҳуж-  
жатлар, дидактик материаллар,  
умумий методик воситаларни  
ишлаб чиқиш, олий мактабда  
фанларни ўқитиш борасида эри-  
шилган янги ютуқлар ва илғор  
тажрибаларга оид маълумотлар-  
ни тўплашда бевосита иштирок  
этадилар. Марказда кафедрала-  
раро методик семинарлар, йи-  
гилишлар, давра суҳбатлари,  
очиқ, намунавий ва спнов маш-  
ғулотлари ўтказилади. Иннова-  
цион педагогик технологиялар  
негизда психология ва педаго-

ли ўргатилади. Марказ фаолият-  
ини ташкил этишда энди иш  
бошлаган ўқитувчиларда таъ-  
лимнинг янги технологиялари-  
ни қўллаган ҳолда курсант ва  
тингловчиларга маърузалар  
ўқиш, семинар ва амалий маш-  
ғулотлар ўтказиш кўникмасини  
ҳосил қилишга катта эътибор  
қаратилади.

Таъкиллаш жоида, Иннова-  
цион педагогик технологиялар  
марказининг ташкил этилиши  
Академия ёш ўқитувчилар пе-  
дагогик маҳорати мактабнинг  
ўз фаолиятини ривожлантири-  
ши ва такомиллаштиришига  
туртки бўлди. Бу ерда олий ўқув  
юртининг тажрибали профес-  
сор-ўқитувчилари раҳбарлигида  
ёш педагоглар ўқув жараёнини  
норматив-ҳуқуқий таъминлаш  
масалаларини ўзлаштирадilar.  
Шунингдек, мамлакатимиз ва  
хорижий давлатлар ҳамда олий  
мактаб педагогикаси ва психо-  
логиясининг янги ютуқлари  
билан танишадilar, ўқув фан-



**ИИВ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ ••• ИИВ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ ••• ИИВ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ**

**ЕР ОСТИДАГИ ЗЎРАВОН**

1993 йилда туғилган Р. Дилшод  
қўшниси А. Рустам билан Тошкент  
Жанубий темир йўл бекати олдидаги  
ер ости ўтиш йўлида кетаётганда но-  
маълум шахс куч ишлатиш йўли бил-  
дан қўрқитиб, эгниларидан чарм  
курткаларни ечиб олиб кетди. Ички  
ишлар ходимлари томонидан кўрил-  
ган чоралар натижасида ушбу жино-  
ятни А. Нозим содир этганлиги аниқ-  
ланиб, ушланди.

**ОҒИР ШИКАСТ ЕТКАЗДИ**

Бухоро вилояти Ғижувон туманида  
яшовчи Л. Даврон асабини жилловлай ол-  
маслиги оқибатида таниши К. Амирга  
оғир тан жароҳати етказди. Аввалига улар  
тинчгина ганлашиб туришганди. Нима  
бўлди-ю, Даврон ўзини тутиб туролма-  
ди. Амирни юз-кўзи аралаш дўшпослай  
бошлади. Натижада у «бурун суягининг  
синиши» тан жароҳати билан касалто-  
нага ётқизилди. Даврон эса туман ички  
ишлар бўлими ходимлари томонидан  
қўлга олинди.

**ЖАБРДИЙДА... НОГИРОН**

2-гурӯҳ ногирони Ж. Нуримбет кеч-  
қурун бир иш билан маҳалла гузарига  
чиққанди. Уйига қайтаётганда номаълум  
шахс унга ташланиб, тан жароҳати ет-  
казди ва ёнидаги «Нокия» русумли уяли  
телефонини олиб қўйди. Қорақалпоғис-  
тон Республикаси Кегейли тумани ички  
ишлар бўлими ходимлари ногиронга қўл  
кўтаришдан тоймаган талончини зудлик  
билан қўлга олди. У шу туманда яшов-  
чи, 1982 йилда туғилган Р. Жавдат бўлиб  
чиқди.

**НОҚОНУНИЙ ОВ ҚУРОЛИ**

Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани-  
да ўтказилаётган «Тозалаш – Антитер-  
рор» талбири жараёнида фуқаро Ш. Бах-  
тиёрнинг уйдан ИИБда рўйхатда  
бўлмаган «ИЖ» русумли, 16 калибрли  
ов милтиғи олинди. Қуролни ноқону-  
ний равишда уйда сақлаш ёмон оқибат-  
ларга олиб келиши мумкин. Афсуски  
буни Ш. Бахтиёр тушунмаган, чоғи.  
Ҳозирда мазкур ҳолат юзасидан тергов  
ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Ё. БОБОЖОНОВ,**  
сафдор.

**ИИВ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ ••• ИИВ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ ••• ИИВ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ**

ФАХРИЙЛАР – ФАХРИМИЗ

# ЁШЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ ТАЯНЧИ

Вилоят ИИБ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник Самад Саидов номини Бухорода кўпчилик ҳурмат билан тилна олади. У кини ёнги хавфсизлиги хизматида 40 йил фаолият кўрсатиб нафақага чиққан бўлса-да, ҳамон тиним билмайди. Эзгу, хайрли ишларга боин-қоин. Айниқса, вилоят ИИБ “Меҳнат ва жанговарлик” музейининг ташкил этилишида хизматлари катта. Бу музейни Бухоро милициясининг тарихий кўзгуси дейиш мумкин. Унда 1920 йилдан бошлаб вилоятда ташкил этилган милиция ҳаёти ўз аксини топган.

Ф. Қодировнинг хизмат фаолиятдан бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Кўплар бунинг сабабини ички ишлар идораларида 18 йил хизмат қилиб, бой тажриба ортирганида, деб билади. Аммо шуни таъкидлаш жоизки, Ф. Қодиров 1991 йилда ППХ батальонида илк хизматни бошлаганда, кейинчалик тезкор таъсир кўрсатувчи милиция отрядида взвод командири ўринбосари вазифасида ишлаганида, 1998 йилдан йўл-патруль хизматида ўтганида ҳам хушёрлиги ва зийраклиги билан ажралиб турарди. 2007 йилда унинг оиласига вилоят ИИБ бошлигининг ташаккурномаси юборилгани ҳам бунинг исботидир.

Яқинда ЙПХ масканига бир «Нексия» ҳайдовчиси келиб, босқинчиларга йўлиққанини айтди. Маълум бўлишича, икки шахс у билан На-

манган шахридан қўшни вилоятга боришга келишиб, машинага ўтиришади. Йўлда бир ўртоғимизни оламиз, деб дарё бўйига ҳайдашни буюришади. У ерда эса ҳайдовчининг бўйнига сиртмоқ солиб, қийнаб, 200 АҚШ доллари, ўзидаги ва автомобилдаги қимматбаҳо буюмларни олиб, гойиб бўлишади.

Жабранувчидан босқинчиларнинг ташқи кўриниши, алоҳида белгиларини сўраб олган Файратжон масканда хизмат ўтаётган Рустам Шарипов билан йўлга чиқди. Тез орада юқорида тилга олинган икки шахс ашёвий далиллар билан қўлга олинди, жиноят «иссиқ изида» очилди.

Баъзан ЙПХ ходимлари машинани тўхтатиб, ҳужжат текширишганда айрим бесабр йўловчилар бунинг нима кераги бор, дея эътироз билдиришади. Афсуски, ҳамма ҳам ўзлари каби яхши ниятда эмасликларини билишмайди. Маскандан ўтаётган «Тико»нинг ҳужжатлари кўздан кечириладиганда машина ичидаги йўловчилардан бири ўзини галати тутиши Файратжоннинг эътиборидан четда қолмади. Чиндан ҳам тажрибали ходимнинг хушёрлиги панд бермади. Шубҳали шахсларнинг юклари ичидан бир литрли шиша банкага солинган гиёҳвандлик моддаси чиқди.

Катта ҳаётий тажрибага эга, ўз касбининг фидойиси, сергайрат Ф. Қодиров ҳали-ҳануз ўрганиш, изланишда. Бугунги кунда ички ишлар тизимида фаолият кўрсатаётган кўпга ёш ходимлар уни ўзларига устоз, деб биладилар. Файратжонга ўхшаган юрт посбонлари тунку хизматга шай, ҳамиша хушёрлиги туфайли мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ҳукмрон.

**Фуркат МАМАЖОНОВ,**  
майор.

Наманган вилояти.



ҚИЛМИШ – ҚИДИРМИШ

# АРО ЙЎЛДА ҚОЛДИ

**Тошкентлик К. Насриддин бир гуруҳ шахслар билан тил бириктириб, ўзи ва бошқалар фойдаланиши учун қалбаки ҳужжатлар тайёрлаган ва улардан фойдаланиб келган.**

Қандай ҳужжатлар экан, дерсиз? Улар норасмий турмуш ўртоғи Фароғатнинг (исм-шарифлар ўзгартирилган) қизи ва ўғлини ўз номига ўзгартириб олинган тузилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар эди. Шунингдек, ўзи ва ноқонуний турмуш ўртоғи Фароғатнинг никоҳи қайд этилгани ҳақидаги гувоҳномани ҳам ясаб олганди. Бир жиҳат кишини ҳайратта солади. Жиноят иш қўзғатилишига айнан «турмуш ўртоғи» Фароғатнинг аризаси сабаб бўлган.

Хўш, фамилиясига ўтиб олиб, бир неча йил хотиржам яшаган аёлга ҳуқуқ-тартибот идораларига ариза билан мурожаат этиш нега керак бўлиб қолди? К. Насриддин оилани, Тошкент шаҳрида қайночасига тегишли бўлган хонадонда яшайдиган кимса. Бир неча йиллик турмушидан фарзанд кўрмаган. Фароғат эса икки фарзанднинг онаси, турмуш ўртоғидан ажрашган, ўзига тўқ, ишбилармон аёл. «Кўнгил кучаси» бу икки кимсани самолётда учрашгирди. Улар

ўзаро тил топишиб, гоҳ Тошкентда, гоҳ Бухорода дийдорлашиб туришди. Ҳатто Бухорода Насриддин Фароғатнинг уйида эр бўлиб яшади ҳам. Тошкентдан уй сотиб олиш можароси чиқмаганда бу тотувликка дарз кетмасмиди?

Тошкентга кўчиб кетишга пухта тайёргарлик кўрилди. Аввало, улар никоҳлари қайд этилган қалбаки гувоҳнома тайёрлашнинг уддасидан чиқишди. Сўнгра икки фарзанд — қиз ва ўғил «янги ота»лари номига расмийлаштирилган тузилганлик ҳақидаги сохта гувоҳномалар «қўлга киритилди». Ўз навбатида собиқ Файзулла Хужаев тумани ИИБ томонидан Фароғат «эри»нинг фамилияси бўйича фуқаролик паспортини олишга ҳам эришди.

— Шукр, ҳамма ишларимиз силлиқина ҳал бўлди. Бухородаги данғиллама ҳовлини ҳам сотдик. Бу пулга Тошкентдайд азим шаҳарда уй сотиб олсак бўлади, — дея Фароғат «хўжайини»га пулларни тутқазаркан, ўткир нигоҳларини унга тикди. — Сизга уч йилдан буён ўрғаниб қолдим. Қаттиқ ишонганим учун

пулларни берайман. Яна бирор-бир ишқал чиқмасмикан?

— Нима ҳам бўлиши мумкин? Хотиним билан ажрашаман, деб сўз берганман. Бу ишга аллақачон киришганман, хотиржам бўлинг, — деди Насриддин аёлнинг хавотирли нигоҳларини кўриб.

Аслида унинг кўнглида бошқа ўй ҳукм сураб, хотини ажрашишга рози бўлмаётганини Фароғатга айта олмай қийналарди. Бу орада икки «севишган» Тошкент шаҳридаги кўп қаватли уйларнинг бирдан квартира сотиб олишди. Уни замонавий мебеллар билан жиҳозлаб, Фароғат онаси ва икки фарзандни кўчириб келди. Лекин уй Насриддиннинг номига олинганди.

— Кейинроқ паспортимни доимий рўйхатга қўйиб, уйни номимга расмийлаштириб оламан, — Фароғатнинг режаси шундай эди.

Лекин ҳар доим ҳам инсоннинг ўйлагани амалга ошмас экан. Фароғатнинг бошига мусибат тушди. Онаизори Тошкентда ҳаётдан кўз юмди. Бунинг усти-

га, Насриддиннинг хотини эри Фароғат билан дон олишиб юрганидан хабар топиб, жанжал қилди. Сотиб олинган квартира эрининг номида эканлигини билиб, у ерга рўйхатга киритишни талаб этди.

— Энди мендан кўрасанлар, шундай қиламанки, аро йўлда қоласанлар, — дея икки «севишган»га таҳдид қилди аёл.

Шундан сўнг Насриддиннинг турмуш ўртоғи ажрашишга ариза бериб, ўртадаги мол-мулкни бўлишни талаб қила бошлади. Ўз-ўзидан Фароғат учун Тошкентдаги яккаю-ягона бошпанасини йўқотиб қўйиш хавфи туғилди...

Фароғат кўзини чирт юмиб, ноқонуний турмуш ўртоғини расмий ҳужжатларни қалбакилаштиришда айблаб, ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилди. «Жон кетса кетсин, мол кетмасин» қабилида иш тулди. Қинғирликнинг таги зил, деб шунга айтадилар. Қонунга чап бериб, ўз манфаати йўлида ҳар қандай қинғирликка қўл урган кимсаларнинг қилмишлари бир куни шубҳасиз, фош бўлади. Сохта ҳужжатлардан фойдаланганлар, уларни тайёрлашда ҳамкорлик қилганлар суд томонидан тегишли жавобгарликка тортилди.

**Рўзигул ЙЎЛДОШЕВА.**

*Бухоро вилояти.*

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

# ЛЎТТИВОЗ

**Ҳар бир ножўя ҳаракат, хуфия ишлар куни келиб ошкор бўлади, албатта. Кизирик туманилик Тўра Шайдуллаев ҳам қўлига кишан урилганда буни англаб етди. Уни содда, ишонувчан фуқаролар ИИБнинг масъул лавозимида хизмат қилса керак, деб ўйларди. Шу боис, қайси бир корхона ёки идорага бормасин, у ерда ишловчилар иззат-икром билан кутиб олишарди. Айниқса, қўли қинғир раҳбарлар, ҳисобчилар ва моддий жавобгар шахсларнинг дир-дир титраши уни янада «илҳом»лантирарди. Тўра гоҳ АЁҚШ, гоҳ минерал ўғитлар сақландиган омборхона, баъзида ошхона ва озиқ-овқат дўконларига навбатма-навбат ташриф буюрарди.**

Бир куни у опшоналардан бирига кирди-да:

— Менинг кимлигимни биласанми? Бошлигинг қани? — деди у пўпса билан иш юритувчига. «Мен ИИБнинг масъул ходими фалончиев бўламан!» дея гердаиб қаради.

Айби борнинг тиззаси қалтирар деганларидек, Тўрага терс ўгирилиб турган киши бирдан хушомалда ўтди.

— Акажон, узр, танимай қолибмиз. Хизматингизга тайёрмиз...

Бошқа бир жойда ҳам фирибгар шундай йўл тутди. У ойига улуш беришларини талаб қилди. Яна бошқа бир корхонада эса солиқчилар томонидан тузилган баённомани ҳал қилиб бериш учун анчагина пул талаб қилди. Тўра тамагирлик, товламачилик, фирибгарликка устаси фаранг эди. У ҳеч нарсадан тап тортмасди. Кимнидир алдаса, бошқа бирорни кўрқитарди.

Тўра автомобилларнинг эҳтиёт қисмлари билан савдо қилувчи тadbир-

корнинг дўконига ҳар гал кирганида у ерда соатлаб ўтирарди. Тадбиркорнинг ўғли Ҳусниддиннинг уяли телефонидан кимларгадир қўнғироқ қилиб, узоқ тап-лашарди. Табиийки, бунинг учун бир сўм ҳам пул бермасди. Ундан безор бўлган Ҳусниддин қўл телефонини унга берипдан бош тортди. Тўранинг бундан жаҳли чиқиб қўлини темирга уриб:

— Сен менга тан жароҳати етказдинг, ўзингни ҳам, дўконингни ҳам йўқ қиламан. Мен давлат одамиман, ҳали кимлигимни кўрсатиб қўяман, — деб ўшқирди.

— Айтган ишингизни бажараман, — сотувчи унга ялина кетди.

— Майли, битта кўйлак, қўлимни даволатиш учун пул берасан. Овқатлантириб, таксига чиқариб юборасан.

Шундан сўнг Ҳусниддин Тўрага 30 минг сўмга кийпм бош, дори-дармон, 2 килограм қовурилган гўшт ва бошқа егуликлар олиб бериб, кузатиб қўяди. Фирибгар дўконга

тез-тез келар, дўқ-пўпса қилиб, тadbиркордан пул ундириб кетарди. Бопқа куни дўконга кирганида йигитнинг отаси ҳам Тўранинг пўпсаларидан кўрқиб, 22 минг сўмни унга кўш-қўллаб тутқазди.

Нафси кундан-кунга ҳақалак отиб бораётган товламачи туман мол бозорида пайдо бўлди. Бу гал ҳам синовдан ўтган «спенарий»ни ипга солди.

— Ҳар якшанбада менга 30 минг сўмдан бера-сизлар, акс ҳолда ҳолларинга вой бўлади! — деди паттачиларга қараб.

III. Тўранинг лўттивозлиги, турли хил товламачилиги фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлди. Унинг хурмача қилиқлари ички ишлар идоралари ходимларига ҳам бориб етди. Давлат идоралари ва мансабдор шахслар номидан иш кўриб, ўз шахсий манфаатини кўзлаб келган фирибгарнинг жиноий қилмишини фош этиш мақсадида махсус тadbир ишлаб чиқилди. Туман ИИБда тузилган тезкор гуруҳ аъзолари III. Тўрани 30 минг сўм пулни тамагирлик йўли билан олаётган чоғда қўлга олишди. Тергов-суриштирув жараёнида айбланувчи Тўра Шайдуллаев ўзининг фирибгарлик фаолиятини тан олди ва суд томонидан унга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

**Бобомурод ХОЛМУМИНОВ,**  
катта лейтенант.

**Сафарали ОМОНТУРДИЕВ,**  
«Постада» муҳбири.

*Сурхондарё вилояти.*

НОҚОНУНИЙ ИШ – КЕЛТИРАР ТАШВИШ

**— Қизимни турмушга чиқардим, — дея оғир хўрсинди Кўргонтепа туманида яшовчи Абдумалик ака Рўзибоев. — Очиғи, фарзандимнинг бахтини кўриб қувонаётганимни айтгим бор, аммо танамдаги «дард»дан халос бўлолмай доғдаман.**

Туман марказий касалхонасида бўлиб ўтган ушбу суҳбат давомида билдикки, юрлошимиз тўйга олган спиртли ичимликларнинг сифатсизлиги туфайли заҳарланиб, шифокор кўригидан ўтаётган экан.

— Ташвишга солаётгани шуки, — дейди бемор, — сифатсиз ароқни истеъмол қилган меҳмонлар ҳам мен каби азият чекишаётган бўлишса керак.

Албатта! Ахир, сифатсиз, истеъмолга яроқсиз маҳсулот саломатликка салбий таъсир этмай қолмайди. Шу ўринда ҳақли савол туғилди. Бу каби маҳсулотларни сотаётганлар кимлар?

Хўжаобод туманида истиқомат қилувчи Отабек Саримсоқов ана шундайлар тоифасига кирди. У ўзи мудирилик қилаётган дўконда истеъмолга яроқсиз спиртли ичимликлар сотилишига шароит яратиб берди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси вакиллари томонидан ўтказилган текширишда дўконда 925 шиша спиртли маҳсулотлар борлиги, аммо уларнинг аксарияти муддати ўтганлиги боис, истеъмолга яроқсиз эканлиги ойдинлашди. Қолавер-

са, яроқлилиқ муддати ўтган шиша идишлар, металл қопқоқлар ва акциз маркалари мавжудлиги дўкон эгаси ноқонуний равишда спиртли маҳсу-

## СИФАТСИЗ МАҲСУЛОТ КИМГА КЕРАК?



лотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланмасмикин, деган шубҳани уйғотди.

Андижон туманида

яшовчи Икромжон Солиев ҳам ўзгалар саломатлигидан кўра ўз манфаатини устун қўйди. Шу боис ҳам Андижон шаҳридаги «Жаҳон бозор» худудига жойлашган савдо дўконига сифатсиз спиртли маҳсулотлар сотишни йўлга қўйди. Харидорга қиймати 1 млн 170 минг сўмлик «шайтон сув»ни пуллаётганида мутасадди илора ходимлари томонидан унинг фаолиятига чек қўйилди. Худди шундай ҳолат Андижон шаҳридаги «Чўлпон» масъулияти чекланган жамиятга қарашли дўконда ҳам кузатилди. Сотувчи Иброҳим Қирғизовнинг фаолияти ўрганилганида спиртли маҳсулотлар билан савдо қилиш учун унда ҳеч қандай ҳужжат мавжуд эмаслиги аниқланди.

Кези келганда айтиш лозимки, ҳар бир ишнинг, жумладан, спиртли маҳсулотлар билан савдо қилишнинг ҳам ўз қопун-қоидалари мавжуд. Дўконларда эса аввало, санитария ҳолатига эътибор бермаслик, савдосотиқ қоидаларига риоя қилмаслик ҳолатлари мавжуд.

Инсон учун энг катта бойлик саломатлиқдир. Унга зиён етказишга эса ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шундай экан, ўзгалар тан-сиҳатлигига етказилган зарар туфайли даромад топаётган «tadbirkorlar»нинг хатти-ҳаракатларини асло оқлаб бўлмайди.

**Саминжон ҲУСАНЗОДА.**

*Андижон вилояти.*



**ФУТБОЛ**

**КЕТМА-КЕТ  
ҒАЛАБА**

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси Исроил давлатида ўқув-йиғинларини якунлади. Машгулотлар жараёнида Миржалол Қосимов бошчилигидаги терма миз учрашувда ўртақлик учрашувини ўтказиб, барчасида ғалаба қозонишди. Дастлаб Исроил клублар терма жамоасидан 2:0, «Раззана» клубидан 4:1, сўнгги ўйинда эса Исроил ёшлар терма жамоасидан 3:2 ҳисобида ғолиб келинди.



**УМИДЛИ ЁШЛАРИМИЗ**

**ИЛҒОР – ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ**


Бухоро спортчилари кейинги пайтда янги муваффақиятларни қўлга киритиб, ўзларининг иқтидорини, тинимсиз меҳнати, маҳорати билан муҳлислар ишончини қозонишмоқда. Яқинда Тошкент шаҳрида самбо кураши бўйича жаҳон чемпионатида бухоролик спортчилар юқори натижани қўлга киритишди. Самбо кураши иштирокида айниқса, 100 кг. вазн тоифасида вилеят «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти аъзоси Илғор Асадовнинг маҳоратини олқишладди. У Россия ҳамда Эстония спортчисини доғда қолдириб, финалга чиқишга эришди. Ҳал қилувчи беллашувда латвиялик самбочи Лосев Тимофей ҳам унга тан берди. Натижада ёш спортчимиз ғалаба нашидасини сурди ва жаҳон чемпиони бўлди.

Илғор Асадов Жондор туманининг Шурча қишлоғидан. Деҳқон фарзанди. Болалиқдан турли тўй ва маросимларда курашга тушиб, чиниққан, «пишиган» йигит. Уч йилдирки унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, спорт устаси, жаҳон ва Европа чемпиони,

вилеят «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти бош мураббийи Собир Курбонов устозлик қилади. – Илғордан умидим катта, – дейди у. – Шогирдимнинг устунлиги шундаки, у жуда ҳаракатчан, машқ қилиб тинмайди. Қисқа вақт ичида жамиятимиз чемпиони, бир неча маротаба ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлди. Юртимизда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида эришган натижаси И. Асадовнинг дастлабки йирик ғалабаси бўлди.

Бухоро автомобиль йўллари касб-ҳунар коллежини ўтган йилда тамомлаган И. Асадовнинг бир йил мобайнида спорт машгулотлардаги тинимсиз меҳнати зое кетмади. У устоз ишончини оқлади.

Вилеят ички ишлар бошқармасида ходимларнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлиги, спорт ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Бошқарманинг катта спорт залида ёш динамочилар, ички ишлар ходимларининг жисмоний чиниқширлари, турли машгулотлар ўтказиши учун барча қулайликлар



мавжуд. Тренажёр, сув ҳавзаси, сауна улар хизматида. Охириги икки йилда вилеят «Динамо» ЖТСЖда 20 дан зиёд спорт устаси, спорт усталлигига номзодлар етишиб чиқди. Бугунги кунда жамиятда беш нафар Осиё чемпиони ҳамда самбо, дзюдо, қўл жанги бўйича бир неча халқаро турнирлар ғолиблари мавжуд.

Дарҳақиқат, спорт, жисмоний машгулотлар ички ишлар ходимларининг жисмонан бақувват, маънан соғлом турмуш тарзини шакллантириш билан бирга, эл-юрт осойишталигини таъминлаш йўлида самарали хизмат олиб боришда ёрдам беради.

Р. ЙЎЛДОШЕВА.

**САМБО**

**АРМИЯЧИЛАР  
ҒОЛИБ**

Республика «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамиятида Тошкент шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ўртасида XVII спартакиада дастурига киритилган самбо мусобақаси бўлиб ўтди.

Қизғин ва муросасиз беллашувларда ҳуқуқ-тартибот ходимлари етти вазн тоифасида маҳоратларини синанди. Ун бир жамоа иштирокидаги қизиқарли баҳсларда умумжамоа ҳисоби бўйича биринчи ўрин республика ИИБ Қоровул қўшинлари жамоасига насиб этди. Иккинчи ва учинчи ўринларни МХХ ҳамда ИИБ Академияси жамоалари спортчилари эгаллади.

Беллашувларда А. Тангриев (ИИБ ЁХОТМ), Э. Гулямов (ИИБ Академияси), Д. Чориев (Қоровул қўшинлари), З. Бердиев (МХХ), Д. Муҳидов (Транспорт ИИБ), Т. Худойқулов (Қоровул қўшинлари), Ф. Маматов (МХХ), Ш. Жўраев (Транспорт ИИБ) лар ўз вазн тоифаларида ғолиб бўлишди.

Мусобақа сўнггида республика «Динамо» ЖТСЖ нинг фахрий ёриқ ва қимматбаҳо совғалари ғолиб жамоаларга топширилди.

Ф. АЗИЗОВ.

**ДУНЁ СПОРТИ ЯНГИЛИКЛАРИ**

**АНТИҚА  
РЕКОРДЧИ**

Англиянинг «Чиппенхэм Таун» жамоаси ҳужумчиси Дэвид Пратт антиқа рекорд ўрнатди. «Бэшл» жамоаси ўртасидаги учрашувда футболчи ўйин бошида, аниқроғи, учинчи сониясида майдондан четланганди. Пратт рақиб жамоа яримҳимоячисини чалиб йиқитгани учун қизил карточка билан жазоланди.



**ОВЕЧКИНИНГ  
МАҲОРАТИ**

Миллий хоккей лигасининг «Вашингтон Кэпиталс» клуби хоккейчиси Александр Овечкин «Торонто Мейпл Лифс» жамоасига қарши учрашувда иккита шайба йўллаб, 4:1 ҳисобида ғалабани таъминлади. «Бостон» «Атланта» жамоаси устидан 2:1 ҳисобида зафар қучган бўлса, «Чикаго» меҳмонда «Миннесота»ни 4:1 ҳисобида доғда қолдирди. Шунингдек, «Анахайм» – «Сент-Луис» – 4:3, «Эдмонтон» – «Нэшвилл» – 5:2, «Ванкувер» – «Оттава» – 3:0 натижалар қайд этилди.

**ТАЙЁРГАРЛИК  
БОСҚИЧИ**

Вена шаҳрида волейбол бўйича эркаклар ўртасида ўртоқлик учрашувини ўтказилди. Унда Австрия терма жамоаси ўз майдонида Исроил волейболчиларидан 0:3 ҳисобида мағлубиятга учради. Мазкур учрашув иккала жамоа учун 2010 йилда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати-га тайёргарлигининг дастлабки босқичини ўтайди.



**ШОҲСУПАДА  
ГРОССМЕЙСТЕРЛАР**

Россиянинг Элиста шаҳрида Халқаро шахмат федерацияси – ФИДЕнинг Гран-при туркумига қирувчи халқаро турнири якунланди. Охириги ўн учинчи турдан сўнг россиялик гроссмейстерлар – Александр Гришук, Дмитрий Яковенко ҳамда Теймур Ражабов (Озарбойжон) 8 очко жамғариб мусобақа ғолиби бўлишди. Шунингдек, Рустам Қосимжонов (Ўзбекистон), Этьен Бахро (Франция), Петер Лекко (Венгрия), Ван Юэ (Хигой), Шахрияр Мамедяров (Озарбойжон) эса 6,5 очко тўплаган.

**КЛИЧКОНИНГ  
НАВБАТДАГИ  
РАҚИБИ**

Украиналик чарм қулқон устаси Владимир Кличконинг навбатдаги рақиб маълум бўлди. 27 ёшли америкалик боксчи Крис Арреола қўшқамар соҳиб билан жанг олиб бориш ниятида. Мазкур жанг 2009 йилнинг 16 май кунини бўлиб ўтиши кутилмоқда. Арреола профессионал рингда 26 жанг ўтказиб, барчасини (23 тасини нокаут) ўз фойдасига ҳал қилган.



**ТАБРИКЛАР!**

Республика ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, полковник **Баҳодир МАМАТКАРИМОВ**ни 50 ёшга тўлгани билан самимий табриклаймиз. Ҳамкасбимизга узоқ ва мазмунли умр, мустаҳкам саломатлик, оилавий хотиржамлик, хизматига катта ютуқлар тилаймиз. Хонадондан қувонч, рўзгоридан барака, чехрасидан табассум аримасин.

**Бошқарма раҳбарияти ва шахсий таркиби.**

Республика ИИБ ЖИЭББга қарашли тергов ҳибсхонаси тартибот ва қўриқлаш бўлими катта тезкор вакили, катта лейтенант **Зоир БИТУРАЕВ**ни таваллуд топган кунини билан самимий муборакбод этамиз. Ҳамкасбимизга узоқ ва мазмунли умр, мустаҳкам саломатлик, оилавий хотиржамлик ҳамда хизматида улкан муваффақиятлар тилаймиз.

**Ҳибсхона раҳбарияти ва шахсий таркиби.**

Қашқадарё вилеяти ИИБ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими бошлиғи, майор **Чори КҮЧАРОВ**ни таваллуд айёми билан самимий муборакбод этамиз. Ҳамкасбимизга эл тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга ошираётган ишларида муваффақият, ҳамкасблари, дўстлари ва оила аъзолари бахтига доимо соғ-омон бўлишини тилаймиз.

**Бошқарма раҳбарияти ва шахсий таркиби.**

Навоий вилеяти ички ишлар идораларида хизмат қилаётган ҳамкасбларимиз, уларнинг оила аъзоларини ҳамда фахрийларимизни Янги йил билан самимий муборакбод этамиз. 2009 йилда сизларга янги зафарлар, бахт ва омад ёр бўлсин. Хонадонингизга фаровонлик, фойз-барака, тотувлик тилаймиз. Қалбингиздаги орзу, ниятлар ижобат бўлсин.

**Вилеят ИИБ ЁХБ ходимлари номидан майор З. Холмуродов, катта лейтенантлар И. Собиров, Ф. Пўлатов.**

**САЛОМАТЛИК ҲАМ ҚЎЛИМИЗДА**

**ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ  
ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ**

Халқимиз орасида «сарик касали» номи билан аталадиган вирусли гепатит касаллиги тиббиёт оламида энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Барча юқумли касалликлар каби вирусли гепатит ҳам одамлар орасида тарқалиш хусусиятига эга бўлиб, бемордан соғлом одамга, қўшни хонадонга ёки касаллик кўпроқ тарқалган маҳалладан-маҳаллага, ҳаттоки қўшни мамлакатларга ҳам тарқалиши мумкин. Вирусли гепатитларнинг бешта асосий тури аниқланган бўлиб, гепатит «А», «Е» турлари энтерал (ошқозон ичак) йўли билан ичак йўлларига оғиз орқали тушганда, яъни қайнатилмаган ичимлик сувни, ювилмаган мева-сабзавотлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ифлос қўллар орқали, гепатит «В», «С» ва «Д» турлари эса парентерал йўл билан, яъни қон орқали юқади. Бунда жароҳатланган тери, шиллик қаватлар, масалан, тиббий муолажалар (стоматологик, генетологик, жарроҳлик, инъекция олиш, қон алмаштириш ва бошқа шунга ўхшаш) ўтказилаётганда, шунингдек, жинсий йўл билан ҳам юқиши мумкин. Бундан

ташқари гепатит «В» вируслари онадан болага ҳомила ривожланаётган пайтда ва туғиш жараёнида ўтиши мумкин. Вирусли гепатитнинг бу тури билан оғриган беморларда сурункали ташувчилик ва ўлим ҳоллари кўп учрайди. Касаллик манбаи фақатгина бемор бўлиши мумкин.

«А» ва «Е» вирусли гепатит касалликларининг авж олиш пайти кузги-қиш мавсумига хосдир. Вирусли гепатит билан касалланган одамда 20-30 кун, баъзан ундан ҳам кўпроқ вақтгача унинг белгилари билинмаслиги мумкин. Касаллик авж олган пайтда беморда тана териси ва кўзининг оқи саргайиши, сийдик рангининг тўқлашиши, ажратмада рангсизланиш белгилари намоён бўлади. Ўртача касаллик 4-6 ҳафта давом этади. Сариклик пайдо бўлиши билан вируснинг атроф муҳитга ажралиши тўхтайдиган камаяди ва бемор атрофдагилар учун катта хавф тугдирмайди.

Бу касаллик билан оғриганларда кўнгил айнаш, қусиш, ҳолсизлик, иштаҳасизлик, жигарнинг катталашуви, сийдик рангининг тўқ

бўлиши, нажаснинг рангсизланиши, сариклик пайдо бўлиши, ҳароратнинг кўтарилиши, терининг қичиши ва ўнг қовурға ёйи остида оғриқ ҳолатлари кузатилиши мумкин.

Гепатит билан касалланмаслик учун шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш (қўлларни совунлаб ювиш, тиш чўтка, сочқ ва усталарни ҳар бир киши учун алоҳидалаш), ичимлик сувини қайнатилган ҳолда, мева ва сабзавотларни қайнатилган сувда ювилган ҳолда истеъмол қилиш, мослаштирилмаган ҳавзаларда чўмилмаслик, бир марталик тиббий анжомлардан қайта фойдаланмаслик ҳолатларига қатъий эътибор қилиш керак бўлади.

Гепатит билан касалланганлар спиртли ичимликлар, ўткир, ёғли, қовурилган, дудланган, тузланган озиқ-овқатлар истеъмол қилмаслиги, овқатни қайнатилган ва майдаланган ҳолда (ёғсиз шўрвалар, бугда пиширилган котлетлар, турли хил сабзавот пюрелари), сут маҳсулотларини кўпроқ (сут, ёғсиз творог, қатик, ёғсиз сметана) истеъмол қилиши, кўпроқ суяқликлар (мевали компотлар, шарбатлар) ичиши тавсия этилади.

**Мусурмон АЛЛАМУРАТОВ,  
ИИБ СЭНЕМ бўлим бошлиғи  
ўринбосари,  
майор.**

## ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

Паға-паға қор ёғмоқда. Ўқув юрти ҳовлиси ажиб бир сукунатга чўмган. Олатига кўра Саида бугун ҳам эрта уйғонди. Аммо кўнгли жуда гаш, жойидан секингина туриб, деразадан ташқарини томоша қилиб ўтирди. Охирги наитларда камданкам кўзига ёш келар, юрагини эзиб ётган лардни унутишни жуда-жуда истарди. Аммо бунинг иложи йўқ. Бўғзига нимадир тикилди. Беихтиёр кўздан ёш куйилиб келаверди. Овози чиқиб кетмаслиги учун пастки лабини қаттиқ тишлади. Агар у ҳозир бор овози билан йигласа ҳам Динара ва София уни тушунади. Негаки, уларнинг тақдири деярли бир хил. Шу боис бир-бирига суянчиқ бўлиб қолишган.

Саида ота-онаси, бирор қариндошини эслай олмайди. Чунки, уни йигирма кунлик чақалоқ найтида болалар уйининг дарвозаси тагида қолдириб кетинган. Тонги шабада очик турган юзини секин чимчилаган чақалоқнинг йигисини эшитган қоровул чол даставвал ичкаридаги болакайлар йиғлаётгандир деб уйлайди. Аммо билмаган овоз дарвоза ортидан эканлигини сезгач, ташқарига чиқади. Шундоққина оёғи остидаги оппоқ йўрғакка ўралган чақалоқ эса тинимсиз йиғларди. Бундай ҳолатларга аввал ҳам дуч келган бўлсада чолнинг бутун вужуди титраб, кўллари қалтираб кетди. Чақалоқни ичкарига олиб кираркан, уни дунёга келтирганларни даъватлаб, директорнинг хонаси томон юрди.

Саидани нгу наитгача ҳеч ким излаб келмади. Ўзи билмаган, тушунмаган ҳолда кимларнидир интиқ кўтишлари бесамар кетди. Тушларига кирган аёлнинг юзини ҳеч ҳам аниқ-тиниқ кўролмади, ҳатто. Ўзининг кимлигини, ота-онаси қандай инсонлар эканлигини билмаслик, маъхумлик, поаниқ соғинч бу ердагиларнинг кўнчилигини эзиб юрган изтироб эди. Тўққизинчи синфни тугатишгач, уларни турли ўқув юрларига жойлаштиришди. Энди бу ерга ҳам кўниқиб қолинди. Ҳар куни тул-гул очилиб, завқ шавққа тўлиб келадиган курсдон қизлар, айниқса, уларнинг ота-онаси, ака-укалари тўғрисида тўлиб-тошиб гапиришларига ҳавас билан боқинишди. Чуқур ўқиниб, бир-бирига қараб олишди. Аммо шу тобда юрагининг туб-тубларида ўзи кўрмаган, билмаган ота-оналарига нисбатан ожиз бир нафрат исён кўтарди. Аммо зоҳирда ошкор

қилолмайди. Чунки, бу нафратни мурғак қалбларга эканларни кўриш-кўрмаслик дарғумон. Тўғриси, умидлар ҳам узилган.

Шуларни ўйлаб Саида овозсиз, аммо силкиниб-силкиниб йиғларди. София ва Динара ҳам уйғониб кетишди. София гўё гуноҳкордек ўзини қаерга қўйишни билмас, тик турган кўйи жим қолди. Шу тобда унга нима дейишни, қандай юпатишни билмасди. Динара эса сўзсиз, аммо меҳр билан Саидани кучли. Сочини силаб уни овутомқчи бўлди.

# ПАЛАХМОН ТОШКИ

Аммо бир оғиз ҳам гапиролмади. Аввал ҳам бундай ҳолатлар жуда кўп бўлган, яна қанча давом этишини эса билмайди. Бу дардларни балки оилани, фарзандли бўлиб бағри тўлгачгина унутар, аммо ҳозир...



Бироздан сўнг қизлар ўзини қўлга олди. Наридан-бери чой ичишди. Кийиниб дарса бориш учун тардуд кура бошлади. Шунда эшик тақиллади. Динара эшикни очиб ҳайрон бўлди. Чунки, остонада ўқув юрти директори Ҳанифа опа турарди. Авваллари эрталабдан ётоқхонани текшириб келинмасди. Шу боис қизлар бироз ҳайратланишди. Опа ҳолаҳвол сўрагач, Саидани ўзи билан юришгани айтди. Кўзлари қизариб кетган қизни хонаси томон бошлар экан, гапни нимадан бошлангани билмас эди. Ахир қандай айтиди, сени онанг излаб келди деб. Айтса-да қиз, қандай аҳволга тушар экан, дея

ўйларди Ҳанифа она. Саида эса бефарқ унга эргашиб келарди. Хоразмдан келган эрхотин эса унинг қабулхонасида кутиб туришибди. Аввал қизга ҳолатни айтиш лозим. Ҳанифа опа Саидани ёрдамчисининг хонасига олиб кирди. Унга иссиққина чой қуйиб узатаркан, уялиб, қимтинибгина турган қизга секин гап бошлади.

— Саидажон қизим, сени излаб келишибди... онанг, эри билан... агар истасанг кўриш, истамасанг бир нима деёлмайман, — деди.

Қиз илкис бошини кўтарди. Унинг ҳайрат тўла кўзида бир наитнинг ўзида соғинч, ар-

мон, нафрат қориниб кетганли. Юрагининг уриши қулоғига эшитилар, борган сари бу кучайиб, тили айланмасди. Қиз нечундир жойидан турди. Аммо полга кулаб тушди. Ҳанифа она кўрқиб кетди. Ҳамма саросимага тушиб, у ёқдан, бу ёққа югуришарди. Саиданинг юзлари оппоқ бўлиб кетган, қўли муздек эди.

Саида кўзини очаркан, даставвал қаерда ётганини пайқамасди. Унинг бошида Ҳанифа она, унинг ёрдамчиси, яна аллақандай аёл ва эркак ўтирарди. Ҳанифа она унинг юз-кўзларини силар экан, зўрма-зўраки жилмайди. Шу

жилмайишдаги унга бўлган ачинишни сезган қиз яна кўзини юмди. Шу тобда ши-фокор кириб кетди. Унга ҳозир гаплашиш йиғлаш ҳам, ҳаяжонланиш мумкин эмаслигини, хонадагиларнинг чиқиб кетиши кераклигини айтди. Саида кўлларини ўпиб йиғлаётган аёлдан қўлини тортиб олди.

— Жон қизим, мени кечир, ахир жигарпорамсанку, кечир мени, — дея ҳўнграб юборди аёл.

Шунда қиз кўзларини очиб унга бир зум тикилиб қолди. Аёл унга жуда-жуда ўхшарди. Ҳатто йиғлашлари ҳам. Юз, кўзи, қалди-басти ҳам жуда ўхшайди. Аммо нафрат, гурур устун келди.

— Кечирини ҳам, кўришни ҳам истамайман, — деди секин, аммо қатъий қилиб.

Аёл қайта-қайта келаверди. Ҳар гал бир дунё совғасаломлар билан келар, уни кечирини, уйга бирга кетишини сўраб, зор-зор ялинарди. Аммо қиз бир оғиз илиқ сўз айтмас, лекин у кетгач, яна келармикан дея ўйлаб юрарди. Ўша аёлнинг (у она деяолмасди) айтишича, бир пайтлар у нуфузли институтнинг талабаси бўлган. Мағрур, унча-мунча йиғитларни назарига илмайдиган қиз кўпгина йиғитларни рад этган. Аммо бошқа институтнинг охирги курс талабаси бўлган фарғоналик Жамил исмли йиғитнинг севгисини рад этолмаган. Тўғриси, унинг «қиз учун ўлимга ҳам таяёр эканлигига» ишонган. Йиғитни чин юракдан севган ва катта хатога йўл қўйган. Ҳомилалор эканлигини билган кезларида эса йиғит ўқишни битириш арафасида бўлиб, ўзини қиздан олиб қочаверган. Сўнгра буткул ғойиб бўлган... Ўқишдан ҳам ҳайдалган қиз ёлғиз кампирнинг уйида ижарада туриб, сўнгра кўзи ёриган. Иложсизликдан Саидани ўша жойга янги гўдаклар уйига топширишга мажбур бўлган. Сўнгра ўқишини тиклаб, битиргач, қишлоғига қайтган ва турмушга чиққан.

Аммо йиллар ўтса-да улар фарзандли бўлмаган. Дўхтиру, табиблар тайинли сабаб ҳам кўрсатолмай ҳайрон эди. Аёл эса узун тунлар ҳасрат, наломат ўтида қовриллар, қизалогининг увули тутганини эса эрига айтолмасди. Бир куни эрининг олдида гуноҳкор бошини эгиб ҳаммасини гапириб берди. Аёлини бутун меҳр-муҳаббати билан севган, ардоқлаб юрган эр даставвал тошдек қотди. Қўл силтаб уйлан чиқиб кетди. Аммо аёл раҳми келди чоғи қайтиб келди. Сўнгра «майли қизингни излаб топамиз, сен кўпам ўзингни қийнайверма. Бунга сен эмас, сенинг пок севгингни, ишончингни поймол қилган ўша балбахт айбдор» — дея хогини таскин берди. Шундан сўнг Тошкентга келишди.

Саида онасига ачинса-да уни кечиролмай қийналар экан, бир қарорга келди. Майли онаси уни кўришга келиб турсин, таътилда у ҳам борали. Аммо буткул уларнинг оиласида яшай олмайди. Қанчалик бағрикенг, мўмин инсон бўлса-да онасининг эри бегона, уни қабул қилиш қийин бўлади. Буни эса Саида кўтаролмайди. Қийналишни истамайди...

Умида БОЛЛИЕВА.

## ҚИДИРИЛМОҚДА

Самарқанд вилояти ИИБ томонидан қуйидаги шахслар жипоят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрганлиги учун қидирилмоқда.

**Қаҳрамон Ёрбекович Холбеков.** 1976 йилда туғилган. У Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Форобий кўчаси, Дуторчилар бурилиши, 35-уйда яшаган.

Белгилари: бўйи 165-170 см, сочи, кўзлари, қошлари қора.



**Ойбек Ваҳобович Ибрагимов.** 1979 йилда туғилган. Қашқадарё вилояти Косон тумани Навоий кўчаси, 11-уйда яшаган.

Белгилари: бўйи 165-170 см, сочи, кўзлари, қошлари қора.



**Шавкат Шодиевич Назаров.** 1961 йилда туғилган. Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани, Маданият қишлоғида яшаган.

Белгилари: бўйи 175-180 см, сочи, кўзлари, қошлари қора.



**Александр Владимирович Кучерявих.** 1962 йилда туғилган. Самарқанд шаҳар Беруний кўчаси 64-уй, 14-хонадонда яшаган.

Белгилари: бўйи 173 см, сочи калта, қора, қошлари, кўзлари қора.



**Орудж Астан-огли Зейналов.** 1966 йилда туғилган. Самарқанд шаҳар Спитамен шохкўчаси, 159-уйда яшаган.

Белгилари: бўйи 173 см, сочи калта, қора, қошлари, кўзлари қора.



**Азим Ахтамович Юнусов.** 1969 йилда туғилган. Самарқанд шаҳар Ипак йўли кўчаси, 20-уйда яшаган.

Белгилари: бўйи 170 см, сочи калта, қора, қошлари, кўзлари қора.



**Икром Уткурович Азизов.** 1974 йилда туғилган. Самарқанд шаҳар Фуломов кўчаси, 72-уйда яшаган.

Белгилари: бўйи 173 см, сочи қора, калта, кўзлари қора.



**Сухроб Джалолович Закиров.** 1987 йилда туғилган. Самарқанд шаҳар А. Яссавий кўчаси, 64-уйда яшаган.

Белгилари: бўйи 175 см, сочи калта, қора, қошлари, кўзлари қора.



Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган, қаердалиги ҳақида бирор маълумотга эга бўлган фуқаролардан Самарқанд вилояти ИИБ ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.



Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ЖК ва ТҚКБ тезкор вақили, катта лейтенант  
**Бурҳон САИДАҲМЕДОВ**нинг  
бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Қизилтепа тумани ИИБ ҲООб профилактика инспектори, капитан  
**Абдураззоқ БОБОМУРОТОВ**нинг  
бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вазирилик Тергов бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник  
**Абай ХАЛИМУРАТОВ**нинг  
вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

## БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Тошкент вилояти ИИБ томонидан 1995 йилда туғилган **Олмос Омон ўгли Худайбердиев** бедарак йўқолганлиги учун қидирилмоқда. У Тошкент тумани Келес шаҳри Зарбдор кўчаси, 22-уйда яшаган. 2008 йил 15 декабрь куни уйдан мактабга чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 150-155 см, сочи жигарранг, кўзлари жигарранг, қошлари қалин, қора, лаблари қалин.

Кийимлари: жигарранг пўстин, қора спорт кийими, қалпоқ, қора шим, спорт пойафзалида бўлган.

О. Худайбердиевнинг кўрган, қаердалиги ҳақида бирор маълумотга эга бўлган фуқаролардан Тошкент вилояти ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.



## ТОР ИЗЛИ КЎНКАДАН «МЕРСЕДЕС-БЕНЦ»ГАЧА

Агар бундан юз йиллар аввал Тошкентда умргузаронлик қилганимизда шаҳар кўчаларида бир вагонли, отлар билан ҳаракатланган кўнкаларни кўрган бўлардик. Эҳтимол бу кўзлаган манзилига замонавий транспорт воситаларида етиб олаётган бугунги авлод вакилларига эриш туюлар. Аммо ўша кезлари аҳоли тор пўлат изли ана шу оддий шаҳар транспортдан жон деб фойдаланган.



Кўнканинг темир йўл вокзалидан Эски шаҳар бозоригача бўлган биринчи линияси 1901 йилда ишга туширилган. Мавжуд 30 та вагонли пўлат изларда тортиб юриш учун 230 та от боқилган. 1913 йилга келиб кўнкалар ўрнига трамвайлар қатнай бошлаган. Орадан йигирма йил ўтгач Тўқимачилик комбинати – Хадра майдони оралигига дастлабки кенг изли темир йўл қурилган.

Тошкентда троллейбуслар қатнови 1947 йилда, Темир йўл вокзали – Эски жува линияси ишга туширилиши билан йўлга қўйилган. Шаҳар транспорти турлари ичида йўловчи ташишнинг энг кўпи, яъни 54 фоизи автобуслар зиммасига тўғри келади. Дастлабки автобус

1909 йилда пайдо бўлиб, бор-йўғи саккиз ўриндикли эди. Вақт ўтиши билан ушбу транспорт тури такомиллашиб бориб, шаҳарликлар вагон типидagi «ЗИС-154» русумли автобуслардан баҳраманд бўлишган.

Пойтахтнинг «қалдирғоч» транспортлари ҳақидаги шу каби маълумотлар билан таърифлаб кетганимиздан ҳайратланмай иложимиз йўқ. Бунинг асосий сабаби, Ўзбекистонда азалдан автомобиль йўллари кенг, равон бўлиши, аҳолига намунали транспорт хизмати кўрсатишга алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. 1927 йилдан йўл қурилиши давлат режасига киритилгани ҳам

фикримизнинг далилидир. Бу пайтда йўл ҳўжалиги асосан шағал, тош тушалган йўл шохобчаларини кенгайтириш ҳисобига ривож топди. 1932 йилдан йўл қурилишида битум ва шағал аралашмаси кенг қўлланилди. Республикада биринчи бўлиб узунлиги 62 км. бўлган қора қопламали Бухоро – Ғиждувон – Қизилтепа йўли, сўнгра Самарқанд – Панжикент, Тошкент – Пскент – Муротали, Қўқон – Шўрсув – Андижон – Куйганёр ва бошқа йўллар қурилди. Катта Ўзбекистон тракти ҳам Тошкент орқали ўтди.

Мен автобусда пойтахтнинг Эски шаҳар қисмини Қозоғистон Республикаси билан боғловчи йўл орқали ишга келаман. Яқин ўтмишда транспорт воситалари шаҳарга ёзда чанг, қишда сув тўпланиб қоладиган тор кўчалардан келишга мажбур бўларди. Келес станцияси яқинидаги темир йўлни кесиб ўтаётганда кўпинча шлагбаум берк бўлиб, йўловчилар соатлаб кутиб қолар, бундан тоқатлари тоқ бўларди. Ҳукуматимиз томонидан Эски шаҳарни

реструкция қилишга жадал киришилган, пойтахтни Тошкент тумани билан боғловчи кенг йўл барпо этилди. Темир йўл устига эса эстакада қурилиб, транспорт қатнови учун қулайлик яратилди. Эндиликда Қозоғистон чегарасидан транспортда Тошкентга ўн беш-йигирма дақиқада етиб келиш мумкин. Бундай ўзгаришдан қувонмай бўладими, ахир.

Таъкидлаш жоизки, айниқса, истиқлол йилларида мамлакатимизда халқаро талабларга жавоб берадиган автомобиль йўллари қуриш, мавжудларини халқаро андозаларга мослаш, йўлларни сақлаш ва таъмирлаш, янги барпо этилаётган санат ҳудудларини халқаро магистраллар билан боғлайдиган йўллар қурилишига эътибор кучайди. Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиёда тутган ўрни, қўшни давлатлар билан иқтисодий алоқалар жадал ўсиб бораётгани ҳисобга олинган ҳолда автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг 1995–2010 йилларга мўлжалланган миллий дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастур доирасида 1996 йилдан Тошкент – Андижон – Ўш магистралининг 100 км.дан ортиқ тоғли участкаларида Қамчиқ ва Резак тоннелларини қурган ҳолда реконструкция қилиш ва қуриш ишлари бошланди. Алматы – Бишкек – Тошкент – Термиз ва Самарқанд – Бухоро – Ашгабат – Туркманбоши автомобиль йўлининг республикадан ўтайдиган қисмини таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Халқаро аҳамиятга эга 1422 км. узунликдаги Андижон – Тошкент – Нукус – Кўнғирот теъюрар автомагистрални қурилиши лойиҳалаш ва қуришга киришилди.

Умуман олганда, мамлакатимизда 1995–2005 йил-

#### Ҳадича РАҲИМОВА, меҳнат фахрийси:

– Мен қирқ йилдан ортиқ Тошкент шаҳридаги Сирғали туманида ўқитувчилик қилдим. Эллингичи-олтмишинчи йилларда пойтахтимизнинг кўчалари, айниқса, транспорт хизматини ҳозирги кун билан таққослаш қийин. Мактабга етиб олиш учун ўқувчилар ҳам, ўқитувчилар ҳам қийналишарди. Айрим кўчалар асфальтланмагани боис қишда лой, ёзда чанг булар, транспорт етишмаслигидан уч-тўрт бекатгача пиёда юришимизга тўғри келарди.

Айниқса, биз яшайдиган Сирғали даҳасидан шаҳар марказига бориш жуда муаммо эди. Гоҳида соатлаб автобус кутишга тўғри келарди. Мустақиллик йилларида пойтахтимизда транспорт қатнови ва йўлларга катта эътибор берилаётгани сабабли замонавий теъюрар автобусларда шаҳарнинг хоҳлаган жойига тез, қийналмай етиб олиш мумкин. Бундан ташқари, пойтахт метросининг ишга туширилгани аҳолининг узоғини яқин қилди.

лар давомида 2,5 минг км умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари фойдаланишга топширилди. 1435 км. автомобиль йўллари қайта қурилди ва юқори тоифага ўтказилди. Қанчадан-қанча йўллар таъмирланиб, кўприклар қурилаяпти. Бундай хайрли ишлар Тошкентда ҳам кенг қўламда олиб борилмоқда. Хусусан, 32,5 км. узунликдаги кичик автомобиль Халқа йўли барпо этилиб, лойиҳа доирасида 8та кўприк ишга туширилди. Шаҳар ички транспорт оқимини энгиллаштириш мақсадида Тошкент Халқа йўлининг Янги Сирғали кўчасидан «Чилонзор буюм бозори» ҳудудигача 3та транспорт кесимини қурган ҳолда янги транспорт магистрални қурилди. Чорсу, Олой, Юнусобод ва бошқа бозорлар атрофидаги йўллар замонавий кўриниш олди.

Шаҳарда йўловчи ташиш транспортини янгилаш диққат марказида. Масалан, 2001 йилда 20 та янги замонавий русумдаги метро вагонлари, 2003 – 2004 йилларда 300 та «Мерседес-Бенц» русумли автобуслар, 2000–2006 йиллар мобайнида 146 та «Отойўл» русумли медибуслар келтирилди. 2007 йилда эса 207та «ISUZU» русумли медибуслар, 10 та «Хундай» русумли автобуслар, 10 та трамвай вагонлари харид қилинди.

Айни пайтда Марказий Осиёда ягона бўлган метрополитен тизими пойтахт аҳолиси ва меҳмонларга хизмат қилмоқда. Мустақиллик йилларида Юнусобод йўналиши бўйича 6 та бекат фойдаланишга топширилди.

Президентимизнинг Тошкент шаҳри ва унинг аҳолисига бўлган эътибори рамзи сифатида 2008 йил 2 апрелда «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинган бу борадаги ишларни янада жонлантириб юборди. Ушбу қарорга асосан азим шаҳарни янада кўркам ва обод қилиш учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан қатор чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, пойтахт аҳолиси ва меҳнатқашларига қулайликлар яратиш, жамоат транспортининг сифатини янада ошириш мақсадида янги замонавий русумдаги автобуслар ва трамвайлар харид қилинмоқда. Жаҳон андозалари даражасидаги йўллар, кўприклар қуриш давом этапти.

Бундай ютуқлар шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир юрдошимизнинг қалбига қувонч солади, албатта Чунки, йўл равон, транспортда малакали хизмат кўрсатилаётган экан, манзил доим яқин бўлади.

Саъдулла ШОДИЕВ.

#### Абдусаттор ТЎРАҚУЛОВ, ҳайдовчи:

– Тошкент йўллари менга қадрдон бўлиб қолган. Тақдирим билан туташ, аниқроғи, ҳаётим мазмунига айланган, десам янглишмайман. Чунки, йигирма йилдан ортиқ вақтдан буён пойтахтдаги автокорхоналарда автобус ҳайдайман.

Касбим жуда фахрли. Сабаби, ҳар куни қанча одамларнинг узоғини яқин қиламан, уларнинг қувончига шерик бўламан. Ўтган вақт давомида кўзлаган манзилига элиб қўйган йўловчиларимдан кўплаб танишлар, дилкаш суҳбатдошлар орттирдим. Ҳатто айримлари билан борди-келди йўлга қўйилди. Тошкентнинг 2200 йиллик тўйи нишонланиши арафасида йўловчиларнинг кайфияти кўтаринки эканлиги чеҳралари, гап-сўзларидан сезилиб турибди. Бу эса биз, ҳайдовчиларга ҳам ўз таъсирини кўрсатапти.

Шу кунгача «ЛАЗ», «Мерседес-Бенц» ва бошқа русумдаги автобусларда хизмат кўрсатдим. Айни пайтда эса 188-йўналишда, замонавий «ISUZU» да қатнашман. Ўзимизда ишлаб чиқарилган ушбу транспорт воситаси энгил, ёқилгиси тежамли эканлиги билан ажралиб туради. Шу кунларда пойтахт йўллари ва кўчалари янада равонлашиб, чирой очиб бораётгани кўпчилик қатори менга ҳам фахрлидир.



ISSN 2010-5355

ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ИВ БИРЛАШГАН  
ТАҲРИРИЯТИ

MUASSIS:  
ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ИЧКИ ИШЛАР  
VAZIRLIGI

Bosh muharrir o'rinbosari Aleksandr VORGUDYAYEV

Mas'ul kotib – Rahmatilla BERDIYEV  
Navbatchi – Qobiljon SHOKIROV  
Sahifalovchi – Zokir BOLTAYEV  
Matn ko'chiruvchi – Gulnora SODIQOVA

TELEFONLAR: 231-30-40; 231-33-88; Faks: 232-05-51.  
E-mail: postda08@mail.ru

«Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart.

Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Tahririyat hisob raqami  
20210000700447980001,  
MFO 00421.

«Ipak yo'li» aksiyadorlik  
innovatsion tijorat bankining  
Mirzo Ulug'bek bo'limi.  
INN 200637499.

«O'zbekiston»  
nashriyot-matbaa ijodiy  
uyi bosmaxonasida  
chop etildi. Korxonaga  
manzili: Alisher Navoiy  
ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-6663. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 56650 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent,  
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.